



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 25-fevral / № 7 (4666)

ЎЗБЕККА ҚАРИНДОШ ҚОРАҚАЛПОҒИМ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифи кунларида бир гуруҳ ижодкорлар қорақалпоқ ёшлари билан учрашиб, самимий суҳбатлар ўтказишди.

Нукус шаҳридаги Президент мактабиде ўтган ижодий мулоқотда устоз-мураббийлар, ўқувчилар, таниқли ижодкорлардан китобхонлик ва мутлоага маданияти, бугунги адабий жараён ҳақида тақлиф ва тавсиялар олишди,

янги маълумотларга эга бўлишди. Қизгин кечган суҳбат давомиде Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Кенгесбой Каримов, Қорақалпоғистон

халқ шоири Рустам Мусурмон, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Алланазар Абдиев ва бошқа адабларнинг қорақалпоқ диёри ва меҳнатқаш халқига бағишланган ижод намуналари тадбир иштирокчиларида бой таассурот қолдирди. Президент мактаби кутубхонасига Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилган бадиий адабиётлар топширилди.

Маълумки, Ўзбекистон Қаҳрамони, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг атоқли шоири Ибройим Юсупов қорақалпоқ шеърлятида ўзига хос мактаб яратган, унинг Ватанга бўлган чексиз муҳаббати тараннум этилган шеърляри аллақачон халқимизнинг маънавий мулкига айланган.

Тадбир иштирокчилари шоир номидаги мактаб фойсиде Ибройим Юсупов ижоди ва ҳаёти

ЖАРАЁН

га доир кўргазма билан танишишди. Тарихий суратлар, шоир фойдаланган ашёлар, айниқса, таниқли қорақалпоқ ёзувчиси Шароф Уснатдиновнинг Ибройим Юсупов ҳақидаги романи кўргазмага алоҳида мазмун бағишлаган.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид сўзга чиқиб, ижод мактабларининг бугунги ёш авлод камолотидаги аҳамияти тўғрисида гапирди. Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари" туркумида ўн олти жилдлик китобларни нашр этиш режалаштирилгани, юз жилдлик "Туркий адабиёт хазинаси" мажмуасида ҳам қорақалпоқ адабиётига кенг ўрин берилганини алоҳида таъкидлади. Уюшма томонидан чоп этилган энг сара бадиий китоблар мактаб кутубхонасига тақдим этилди.

Ижод мактаби директори Руслан Ташимов ижодкорларни мактаб ҳаёти билан атрофлича таништирди. Ўқувчилар билан бўлиб ўтган учрашув чоғидаги самимий суҳбат ва мушоира мароқли кечди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда таниқли ёзувчи-шоирлар, устоз-мураббийлар, ижодкор талабалар иштирок этишди. Учрашувни университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Саҳауатдин Алауатдинов олиб борди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Кенгесбой Каримов, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Алланазар Абдиев, Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими Бахтиёр Генжамурод, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шоди Отамурод ўз чиқишларида бугунги адабий жараёнга давлатимиз томонидан берилётган эътибор ҳақида сўз юритишди, янги шеърляридан намуналар ўқидилар.

Университетнинг иқтидорли ёшларидан Олтиной Тулегенова ва Оллоёр Дарменов ўқиган шеърлар устоз адаблар томонидан эътироф этилди.

1 март — Ўзбекистон халқ шоири Зулфия тугилган кун



МЕН ЎТГАН УМРГА

Хаёт китобимни бехос варақлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида кулдим чарақлаб.
Суйиш керак бўлса — телбача суйдим.

Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан килмабман парво.
Мени оғушлаган хаёт нак офтоб,
Янги қўшиқ талаб унда хар сабоқ.

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Суйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Куйдим,
Иzzат нима — билдим.
Шу-да бир яшаш!..

2022 йил — Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили ЎЛКАМИЗГА БАҲОР ҚАЙТМОҚДА

Юртимизнинг турли манзилларида бодом гуллаб, бойчечак юз очгани ҳақидаги хабарларга ҳам бир неча ҳафта бўлди. Баҳор эпкинлари ўлкамизга Наврўзни бошлаб келади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда, миллати, тили ва динидан қатъи назар, хар бир ватандошимиз ўзининг ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини тобора чуқур англаб бораётган Янги Ўзбекистон шароитида Наврўз умумхалқ байрамини катта шоду хуррамлик билан нишонлаш ҳақида чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ҳа, юртимиз узра баҳор сепини ёя бошлади. Ҳамма жойда яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари ажжида. Бу борада бўлган тумани ушга хос таърибга бойланган. Туманининг олис ҳудудда жойлашганига қарамай, "Бўқа" маҳалласидаги бугунги бунёдкорлик ишларини кўриб, ўлкамга яна баҳор қайтмоқда, дегим келади. Қишлоқда замонавий шаҳарча бунёд этилаётгани кишини ҳам кувонтирмайди дейсиз.

Туман марказидан олис маҳалла байналмилал оилалардан ташкил толган: ўзбек, қозоқ, татар, қирғиз ва тожик миллатига мансуб аҳоли оға-инилардек аҳил-иноқ яшамокда. Дўстлик ва ободлик симфонияси янада жўшқин янграётгандек туюлади.

Дарҳақиқат, Тошкент вилояти ҳамда туман ҳокимликлари бошчилигида давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддиларидан иборат Республика ишчи гуруҳи маҳалладаги муаммоларни атрофлича ўрганиш ва бартараф этиш бўйича тезкор ишларни аллақачон бошлаб юборган. Маҳалла марказида ишчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Махсус штаб ҳамда фуқаролар-

нинг муаммоларини ўрганиш бўйича доимий қабулхона эл хизматда.

Тўбдан ангиланётган "Бўқа" маҳалласида тадбиркорликни ривожлантиришга, янги иш ўринлари яратиб, ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда маҳаллада икки юз нафарга яқин ишсиз фуқарога имтиёзли кредитлар ажратиш, паранда, қўй ва қорамоллар тарқатиш чоралари кўриляптир, беш юз нафар ёшга деҳқончилик қилишлари учун ер ажратиш кўзда тутилган.

Ҳудудда ўн беш километр ичимлик суви тармоғи тортилиб, 1800 нафар аҳоли марказлашган сув таъминотидан баҳраманд бўлади. Маҳаллада ўн беш километр ички йўллар асфальтланди. Газ, электр таъминоти амалга ошириляптир.

Алҳажар қишлоғидаги етти хонадоннинг том қисми таъмирланди, дарактларга шакл берилиб, ҳудуд ободонлаштирилди. Нокоруний қурилган иморатлар бўзилиб, ўрнига янги бинолар қурилди. Таъмир ишлари учун Фавқуллода вазиятлар вазирлиги томонидан цемент, оҳак, шифер етказиб берилди. Бу ерга ташриф буюрган корхона, ташкилот

вакиллари ҳашарчилар билан елкама-елка туриб шижоат кўрсатаётган бўкаликлар эртанги кунга катта ишонч билан қарамокда.

Дарвоқе, бу ердаги ўзгаришлар мутасаддиларнинг доимий эътиборида. Вилоят ҳокими Зоир Мирзоев бўкаликлар билан мулоқот қилиб, ҳудуддаги долзарб муаммоларга алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, бандлигини таъминлаш, деҳқончилик учун ер ажратиш, ичимлик суви таъминоти, тиббий хизмат, ички йўлларни таъмирлаш ишлари атрофлича ўрганилди. Фаол аҳолига қўшимча 10 сотихдан ер ажратишга ҳам келишиб олинди.

— "Бўқа" маҳалласида истиқомат қилаётган хотин-қизлар ишчан, — дейди туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Барно Жабборовна. — Маҳаллада ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилган. Марказда бичиш-тикишни ўрганаётган хотин-қизлар кўпчилигини ташкил этади. Аҳоли юз фоиз чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Муҳими, ўзгаришлардан, "Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да қадр, эътибор топаётганидан одамлар мамнун.

— Шу ёшга кириб маҳаллага, инсонга бўлган чинакам ғамхўрликни биринчи қўришим, — дейди 80 ёшли меҳнат фахрийси Унгор ота Жиянбоев. — Қўчаларимиз, ҳовли-жойларимиз кундан-кунга чирой очиб бормокда. Бундай улкан сафарбарликнинг бошида турганлар, илоё, соғ-саломат бўлишсин.

Қўп йиллар қишлоқ мактабиде ўқитувчилик қилган Ўлбўсин ая Абилованинг қўли дуода. Кексалар ёшларимиз бугунги улкан ўзгаришларнинг қадрига етишларини иста-шади, тарихий ўзгаришларнинг қадр-қим-



матини, аҳамиятини чуқур ҳис этишади. Янгиланиш суруридан беихтиёр тилга шундай сатрлар келади:

Букун қад ростлади илоҳий ашўр,
Наволар тўкилди, азизим, дилдан.
Агарки қалбларда уйғонса баҳор,
Ободлик қўшиғи тушмагай тилдан.

Ашурали БОЙМУРОД

ЖОЙ НОМЛАРИ — МОЗИЙ САДОСИ

Хар бир миллат тилидаги сўз бойлигининг каттагина қисмини жой номлари — топонимлар ташкил этади. Аксарият жой номларида тегишли ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, белгилари акс этади. Шунинг учун ҳам мутахассислар топонимларни тарих, тилшунослик фанларидан ташқари этнография, археология, география ва бошқа кўплаб фанлар учун қимматли маълумотлар берувчи манба, деб ҳисоблашади.

Иш фаолиятим тақозосига кўра топонимлар масаласига кўп марта дуч келганман. Айрим жой номлари қаттида узоқ тарихий асослар мавжуд, шу тариқа кўплаб номларни сақлаб қолишга эришганмиз. Бу жараёнда маҳаллий аҳолининг фикр-мулоҳазалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таниқли олим Тура Нафасовнинг "Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати" китобида Китоб туманидаги 150 га яқин жой номлари изоҳи берилган. Олим бунда кўпроқ номларни лингвистик асосда изоҳлаб, сўзнинг қайси тилга оидлиги,

яқинлиги, урф-одатлар, касб-корлар ва тарихнинг муштараклиги баъзан анъанадан чекинишга, янги муносиб номлар топишга сабаб бўлди. Номларнинг аксарияти ҳудуднинг муайян жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилади.

Масалан, Оёқчи қишлоғидаги кўчалардан бирига Қорахўжа номи берилди. Аслида Қорахўжа шу жойнинг тарихий, аммо норасмий номи бўлган. Азалдан бу кўча Қорахўжа деб атаб келинган. Даставвал маҳалла йиғини томонидан тавсия қилинган бу ном тасдиқланмади. Қишлоқ зиёлилари ўз фикрларида туриб олиб, Қорахўжа сўзи уруғ номи экани, сўз таркибидаги "қора" сўзи "катта" маъносини бериши, бу "Каттахўжа" деган мазмунга боғлиқлигини айтишди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 февралдаги "Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори халқимизга, айниқса, адабиёт аҳлига, ижодкорларга кўтаринки руҳ бағишлади.

Қарорда мустабид тузум қурбони бўлган ўлмас шоир хотирасини эъзозлаш, янги асарларини излаб топиш, ижодини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш кўзда тутилган. Бу адабиёт ва санъатга юксак эътибор намунаси, қолаверса, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган маънавият соҳасидаги теран ислохотларнинг узвий

ОТАШНАФАС УСМОНИМИЗ

давомидир. Чунончи, қатағон қурбони Исоҳқон Ибрatнинг яна ўз халқи эъзозига қайтарилиши, муҳташам "Ибрat мажмуаси", "Ибрat" мактаби, Ибрat боғлари барпо этилгани халқ, Ватан учун жонини фидо қилган миллат зиёлиларининг ижодий меросини тарғиб қилиш ва ёш авлод онгига чуқур сингдиришга қаратилган эзгу ҳаракатларнинг янгича кўринишидир. Жумладан, Муҳаммад-шариф Сўфизода, Рафиқ Мўмин хотирасини абадийлаштириш борасидаги улкан ишлар ҳам ижод аҳлининг, айниқса, Наманган халқининг руҳини кўтармоқда.

Ўзбек адабиёти осмонида ярқираган юлдуз, бетақорор шоир Усмон Носирнинг аччиқ қисмати, порлоқ хотирасига ҳам ёруғ кунлар кучоқ очмоқда. Москвада чиқадиган газеталардан бирида "Шарқда Пушкин, Ўзбекистонда Лермонтов пайдо бўлди", деб бонг урилган

бир пайтда, эндигина 25 ёшни қаршилаган ҳассос шоиримиз жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиб, ўз халқига етказишга улгурган эди.

Усмон Носир даврининг жаҳолатга юз тутиши нафақат Ўзбекистон, дунё боғларидаги бошқа кўплаб булбулларнинг ҳам йўқ қилинишига олиб келди. Озарбайжонлик машҳур шоир Микоил Мушфиқ ҳам 1938 йил отиб ташланган. Лирик шеърлари билан озар адабиёти тарихида эврилиш ясаган Мушфиқнинг суратлариға қарасангиз, Усмон Носир ва унинг кўзларида қотиб қолган чексиз мунғни кўргандек бўласиз. Шоирнинг 100 йиллик юбилейи арафасида Боку, Ганжа ва бошқа шаҳарларда ҳайкаллари ўрнатилган, ҳатто "Микоил Мушфиқ" номи билан аталадиган давлат мукофоти таъсис этилди. Не бахти, она юртимизда ҳам энди Усмон Носир ҳайкаллари

қад ростлайди, шаҳарларимиз кўчалари шоир номи билан аталади, хотираси ардоқланади.

Давлатимиз раҳбарининг Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги тарихий қарори бизни яна шуниси билан қувонтирадики, унинг номи билан аталадиган кўчалардан ўтаётганимизда шоирни ёдга оламиз, руҳини шод этамиз. "Танланган асарлари", унга бағишланган китобларни ўқиганимизда ич-ичимиздан ғурур туямиз, севиnamиз. Умумтаълим мактаблари, ижод мактаблари ўқувчилари эса "Унутмас мени боғим..." мавзuida иншолар ёзадилар. Оташнафас Усмонимиз Янги Ўзбекистоннинг гуриқраган адабиёти ичра ўлмас ижоди билан қайта-қайта буй курсатаверади.

Дилбар ҲАЙДАРОВА,
шоира

ЖОЙ НОМЛАРИ — МОЗИЙ САДОСИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ҳазрати Башир қишлоғидаги кўчага Пойи Темур номи берилди. Бу ҳам қишлоқ кўчаларидан бирининг аҳоли қўллайдиган норасмий номи. Суриштириш натижасида Амир Темур Самарқандга шу жойлар орқали ўтгани, Сохибқирон қадами етган, деган маънода Пойи Темур, айримлар Тоий Темур (Амир Темур тоий ўтган маъносиде) деб атаб келганлиги маълум бўлди. Ҳазрати Башир қишлоғидаги сой номи бўйича янаям қизиқ маълумотга дуч келдик. Ҳужжатларда мазкур сой номи Салимсоқлиқ деб киритилган. Бир қарашда Салим шахс номи, солиқ соҳа номи бўлиб туюлади. Маҳалла раиси Бахтиёр Сафаровнинг айтишича, сойнинг номи аслида Саримсоқли бўлган. Маҳаллий шевада анзурпиёз саримсоқпёёз дейилган ва сой бўйида анзурпиёз кўплигидан Саримсоқлиқ деб аталган. Товушлар ўзгариши натижасида сой номи нотўғри талаффуз этилган.

Туманинг Сарой қишлоғидаги кўчалардан бири аҳолининг тақлифи билан Ойимчиқтепа деб номланди. Ойимчиқтепа аслида маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган қадимий тепанинг номи. Манбаларда ёзилишича, 7-8 гектар майдонни эгаллаган тепа эрмиздан олдинги XI асрларга мансуб бўлиб, ундан олов ёқиб ҳабар беришда фойдаланилган. Археологлар қазмиш ишларини олиб боришганида тепа остида ибодатхона харобаси бўлиши мумкин, деган фикрга келишган. Тепалиқдан топишган македониялик Александр тангалари, Кушон подшолиги давридаги будда ҳайкалчалари, Хоразмшоҳлар, Қорахонийлар, Амир Темур, Амир Олимхон даврига оид, ҳатто Франция кироли Людовик IV даврида Германияда зарб этилган қумуш ва мис тангалар маданиятимиз тарихидан ва ҳудуддаги савдо-сотиқ ривожидан дарак беради.

Тепалиқнинг номи ҳақида аҳоли ўртасида бир ривоят юради. Унда айтилишича, қадим замонларда Сарой қишлоғида Ойим исмли ақл-заковатли, ориятли ва мағрур малика яшаган. Кунларнинг бирида юртни ёв босибди. Душман қишлоқ оралаб аёлларни, қизларни ҳурлай бошлабди. Ёв қўлида топталишдан қўрққан малика қирқ қанизи билан қишлоқнинг энг баланд тепасига бориб қовак жойдан ичкарига кириб кетибди.

Қишлоқ аҳли душманга қарши курашиб, енгибди. Ойим ва қанизлари аширинган тепаликка келиб: «Ойим, чиқ! Жанг тутгади! Ойим, чиқ!», деб қичқиршибди. Ойим ва унинг қанизлари чиқмабди. Шундан тепанинг номи Ойимчиқ бўлиб қолибди.

Туманда қадимий Дониёршайх қишлоғи бор. Мазкур ном қишлоққа шунчалар сингишиб кетганки, аввалига унинг шахс номига дахлдор эканига эътибор бермайди киши. Оғиздан оғизга ўтган ривоятларга кўра, Дониёршайхота тахминан VIII — IX асрларда қишлоққа келиб, ислом динини тарғиб қилган улўф шайх бўлганлар. Бундан чамаси 300 йиллар илгари чироқчилик Исмоилшайх исмли киши тез-тез келиб, Дониёршайхота қабрларини зиёрат қилиб турган. Қабрлари устига икки марта сағана қурдирган, аммо ҳар гал эртаси кунёёқ сағана ўз-ўзидан қулаб ташаверган. "Дониёршайхота хоҳламадилар", деган фикрда сағана тиклашни тўхтатган. Вафотларидан сўнг васиятлариға кўра Исмоилшайх Дониёршайхота қабристонига қўйилган. Қишлоқдаги ҳар бўйида минг йиллик мўъжаз қабристон ҳали ҳам турибди. Унда чамаси 10 та қабр бор. Дониёршайхотанинг қабрлари ҳам шу ерда.

Бештерак маҳалласидаги Охишқ қишлоғи номи, зиёлиларининг айтишича, Дониёршайхотанинг ака-укаларидан бири Охишқота исмлариға алоқадор. Дониёршайхотанинг Қорашайх, Қиёмшайх исмли ака-укалари ҳам бўлган, дейишади. Қишлоқ номи аслида Оқшайх бўлган, деган фикрлар мавжуд.

Тумандаги Сумак қишлоғи машҳур манзиллардан бири саналади. Айниқса, "Сумак нашватиси" деган ибора кенг тарқалган. Ўзига хос тоғ иқлими туйфайли бу қишлоқ серсув нашватилари билан маъшуқки, бошқа бирор ҳудудда бунақанги тотли ва ширали мева учрамайди.

Қишлоқ номининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Бу борада ривоятлар кўп. Сумак қишлоғида яшовчи меҳнат фахрииси Жамолхон Олимовнинг айтишича, қишлоқ номи Тожикистоннинг Панжикент вилояти Моғиён ҳудудидеги Обиборик (Ингичасув маъносиде) қишлоғидан

ака-ука Шайх Собир ва Шайх Ҳосимиддиннинг ислом динини тарғиб қилиш мақсадидаги таширфлари билан боғлиқдир. Ака-укалар сафар олдидан, отлари қаерга бориб тиззаласа, шу ерни макон қилмоқни диллариға тугишган. Отлар айнан ҳозирги Сумак қишлоғи ҳудудига келгач, тўёқларини тираб олиб юрмайди ва улар шу жойни манзил-макон қилишади. "Сум" сўзи форс-тожик тили шевасида тўёқ маъносини билдиради, кейинчалик Сумак деб кетилган.

Шайх Собир қароматгўй авлиё бўлганлар. Эл орасида у киши намознинг суннатини қишлоқда, фарзини Қазбага бориб ўқишлари ҳақида ривоятлар юради. Шу сабабли исмлариға парранда сўзи қўшилиб, Шайх Собир Парранда деб айтилган. Илгари Ҳазрати Султон зиёратига бормоқчи бўлганлар, аввало, шу икки улўф авлиёнинг қабрлариға тўхтаб ўтишган. Ҳозир ҳам Шайх Собир ва Шайх Ҳосимиддиннинг қабрларини зиёрат қилувчилар кўп.

Китоб туманидаги Искана қишлоғи номини қишлоқ зиёлилари Муқанна номи билан боғлашади. Маълумки, Муқанна бошчилиғидаги кўзғолон қадимги Кеш (Китоб) заминиде бўлган. Муқанна жангчилари кечалари қишлоққа келиб, темирчи усталарга янги қилчи, қалқонлар ясашиб, эскиларини таъмирлатишган. Шунинг учун бу қишлоқ VIII асрга қадар темирчилар қишлоғи — Устакана деб аталган ва кейинчалик Исканага айланиб кетган. Искана номи бўйича бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Яъни Искана Шимолий Қозоғистон қозоқларининг қоракесак (қоракисек) уруғи тармоқларидан бири, қадимги эроний тилларда кана, хона, жой, қўрғон, овул маъноларини билдиради, "ис" сўзининг маъноси ноаниқ, дейилган. Айримлар эса Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луготит-турк" китобига асосланиб, Искана асли Эшкана бўлиб, қўшақўрғон маъносини билдиради, дейишади.

Айрим қишлоқлар номлари ҳозиргача баҳсли. Масалан, номи расмий ҳужжатларда Ҳужаилмкони деб юритилган қишлоқни маҳаллий аҳоли Ҳўжаимкана деб айтса, айрим манбаларда Ҳўжаэмканегий, Ҳўжақишлоқ тарзида берилган. Журналист Салоҳиддин Исомиддиновнинг мақоласида қишлоқнинг қадим маданияти, бу ерда улкан кутубхона, мадраса, хонақоҳ бўлганлиги назарда тутилиб, Ҳўжаилмкони деб аташ жоиз, дейилган.

Ҳўжаилмкони маҳалласидаги Гўлбоғ қишлоғи номланишининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Шу қишлоқда яшовчи журналист Салоҳиддин Исомиддиновнинг айтишича, қишлоқнинг асл номи Ййдоб (байрамлар, сайлар ўтадиган жой) бўлган. "Ййдоб" сўзининг талаффузи оғирлиғи сабабли оғзаки нутқда Йтбоғ бўлиб кетган ва кейинчалик маҳаллий аҳоли ўз хоҳиши билан қишлоқ номи Гўлбоғ деб ўзгартирган.

Варганза қишлоғи номи бўйича ҳам турли фикрлар бор. Профессор Тўра Нафасовнинг ёзишича, Варганза сўзининг шаклланиш даври V—X асрларга тўғри келади: варгонзой-варганзой-варганза-тўғонли жой, сув банди бор водий. Олим "варг" сўзи Рудакий асарларида тўғон, банд маъносини билдиргани, X—XIX асрлар форс-тожик манбаларида банд, тўсиб тўлланган сув ҳавзаси маъноларини ифодалашини айтади.

Маҳаллий аҳоли вакиллари орасида Варганза сўзининг келиб чиқиши бўйича ҳар хил талқинлар мавжуд.

Кимлардир Варганзани Норганза, яъни анорли жой, анорли экинзор деган маънони билдиради дейишса, бошқалар "вар" сўзи тожик тилида шамол эканини ҳисобга олиб, шамол эсадиган жой, деган маънони билдиради дейишади. Худди шундай, тумандаги Паландара қишлоғи номининг келиб чиқишини турлича — Поёндара (поёнсиз дара), Паландара (йўлбарсли дара), Баланддара (баландликдаги дара) иборалариға боғлашади.

Ном этимологиясига оид турфа қарашлар Китоб тумани номиға ҳам тааллуқли. Шаҳарсозлик тарихи қарийб уч минг йилга бориб тақаладиган туман дастлаб Наутака вилояти маркази бўлиб, Хитой манбаларида Сусе, кейинчалик араб манбаларида Кеш деб юритилган ва 1759 йилдан расман Китоб беклиғи деб аталган.

Туманинг ҳозирги Китоб номи ҳақида ҳам турли мулоҳазалар юради. Хусусан, профессор Тўра Нафасов "Қишлоғингиз неға шундай аталган?" номли китобида "Китоб" сўзини Катоб, яъни дарё бўйидаги қўрғон ёки сув қирғоғидаги қишлоқ деб изоҳласа, Маҳмуд Сатторов Кифтвар, яъни елкасида шамол еладиган шаҳар, деган фикрни билдирган. Туманинг жуғрофий ўрниға қараб маҳаллий аҳолининг аксарияти "Китоб" сўзининг этимологиясини Кифтиоб — икки елкаси сув, деган мазмунга боғлайди. Али Қўшчи Улўғбек хазинасини Китоб тоғларида яшириб, "Кел, топ!", деб хитоб қилган, Китоб "Кел, топ!" сўзининг ўзгарган шакли, дегувчилар ҳам бор. Туман номини Алишер Навоийнинг "Саъбаи сайёр" достонида учинчи иқлимдан келган мусофир қишлоғидаги; "Бор дурур тоқ ичинда бир кишвар, Кишвар аҳли отин дебон Кифвар", деган байтдаги Кифвар сўзига нисбат бергувчилар ҳам топилади.

"Шахрисабз 1000 йиллар мероси" китобида келтирилишича, академик М.Е.Массон маҳаллий аҳоли ўртасида ўтказилган сўровларга таяниб, икки хил фикр берган. Улардан бири шаҳар ҳудудидан жуда эски китоб топилиб, уни ҳеч ким ўқий олмагани ва кейинчалик Бухорога олиб кетилгани, мазкур китоб шаҳар номиға асос бўлган, деган фикрга, иккинчиси, юқорида таъкидланганидек, "Кифтиоб" сўзининг ўзгарган шакли деган фикрга бориб тақалади.

Солижон Ибрагимов "Генерал Жўрабек ҳақида янги маълумотлар" мақоласида америкалик фан доктори ва сайёҳ Южин Скайлернинг "Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Фулжага сайёҳат қайдлари" асарида Китоб номи китоб дея талқин қилингани ва яна эҳтимол "об" сўзининг қўшилишидан келиб чиққан бўлиши мумкин, деган фикрни билдирганини ёзади. Айрим тадқиқотчилар эса XVII аср охириларида Китоб деҳқон бозори ўрнида катта китоб бозори бўлгани, Буюк Илак йўли орқали қарвонлар молларини бозордан китобга айрибошлаб кетишгани ва аста-секин бозор номи жой номиға айланиб, Китоб деб атала бошланганини айтишади. Кўпчилик зиёлилар бу фикрни маъқуллаб, шаҳарнинг қадим маърифатига таяниб, туман номи айнан "китоб" сўзига алоқадорлиғи ҳақиқатга яқинроқ, дейишади.

Жой номлари билан яқиндан танишиш тарихнинг очилмаган қирралари ҳақида янги маълумотлар беради. Шунинг учун ҳам топонимлар ҳар бир элнинг тарихи ва маданиятида муҳим ўрин тутати.

Лола ЎРОҚОВА,
Китоб тумани
ҳокимининг давлат тили масалалари
бўйича маслаҳатчиси

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўлимида соҳа ходимлари ва Тошкент юридик техникуми ўқувчилари иштирокида "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналлари жамоасининг уч авлод учрашуви ўтказилди.

Тадбирда ушбу журналлар бош муҳаррири, таниқли шоир Сирожиiddин Рауф китобхонлик, мутолаа маданияти ҳақида гапириб, ёшларни яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишга, кўпроқ китоб ўқишга, илм-маърифат билан изчил шуғулланишга чақирди. Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи Аҳрол Муҳаммадбоқиев ҳамда Мажбурий ижро бюроси Чилонзор тумани бўлими раҳбари Убайдулла Аъзамов ҳуқуқ-тартибот идораларининг бўлажак ходимлариға фуқаролар муурожаатлари билан ишлаганда муаммоларға кунон доирасида ечим топиш, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, манфаатлариға зид хатти-ҳаракатларға йўл қўймаслик юзасидан таъсиялар берди. Таниқли шоир Зикрилла Неъмат ўз шеърларидан ўқиди.

Тадбир сўнгиде Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" бирлашган таҳририяти жамоаси номидан тадбир иштирокчилариға китоблар, журналлар совға қилинди.

М. РАҲМАТОВ

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қалдибек Сейданов таваллудининг 80 йиллиғи муносабати билан таниқли адибнинг "Навоий ва қозоқ адабиёти", "Қардошлар" номли китоблари тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирни Ёзувчилар уюшмаси раиси уринбосари Файрат Маждид бошқариб борди. Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси маслаҳатчиси Руслан Дуйсенов, Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси Усербай Бойқобил ва бошқалар Қ.Сейданов китобларининг маз-

УЮШМА ХАБАРЛАРИ



мун-моҳияти, бадиий хусусиятлари ҳақида гапиришди.

— "Қардошлар" китоби қозоқ-ўзбек халқларининг дўстлиғи, ўзаро адабий-маданий алоқалари ҳақида, — деди Қозоқ маданият маркази раҳбари Серикбай Усенов. — Асарда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва адабий алоқаларнинг тарихий илдизлири, қардош халқлар ҳаёти ва маданиятидаги уйғунлик ёритилган.

"Навоий ва қозоқ адабиёти" номли илмий-тадқиқотда эса, ўзаро адабий алоқалар ҳамда Алишер Навоий ҳаёти ва бадиий маҳорати ҳақида сўз боради. Китобда улўф мутафаккирнинг қозоқ шоирлариға, хусусан, қозоқ халқининг ёрқин юлдузи Абайға таъсири илмий ўрганилган.

САРҲИСОБ

АДАБИЙ ТАНҚИД МУҲОКАМАСИ

Ёзувчилар уюшмасида Адабий танқид кенгашининг 2021 йил фаолияти яқунлариға бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси уринбосари Файрат Маждид кейинги йилларда уюшма томонидан ёш мунаққидларнинг илмий-ижодий интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Жумладан, ҳисобот даврида Республика ёш ижодкорларининг 2021 йилда ўтказилган Золмин семинарида иштирок этган турт нафар ёш мунаққиддан бирининг илк тўплами "Биринчи китобим" лойиҳасида нашрга тавсия этилди. Филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборовнинг "Маоний аҳлининг сохибқирони" китоби 2021 йилда ўтказилган "Йилнинг энг яхши асари" танловида адабий танқид йўналиши бўйича мукофотга лойиқ, деб топилди. Йил давомида эса ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётиға доир ўттизга яқин монография ва рисола, беш юзга яқин адабий-танқидий мақолалар нашр этилган.

Йиғилишда филология фанлари докторлари Суворон Мели адабий танқидға доир тўпламлар, Илҳом Ғаниев адабий нашрларда эълон қилинган адабий-танқидий мақолалар, Зебо Қобилова мумтоз адабиётға доир китоблар ва мақолалар, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Саъдулла Қуронов интернет нашрларида эълон қилинган танқидий мақолалар ҳақида маърузалар қилишди.

Фозил ФАРҲОД

АКС САДО

БОЛАГА КИТОБ БЕРИНГ

Газетада чоп этилган "Бугун бола — эртага миллат" номли давра суҳбатиде ("ЎЗАС", 2021 йил 10 декабрь) болалар адабиёти, унинг бугунги ҳолати, болалар нашрлари ҳақида билдирилган фикрлар жуда ўринли. Ўзбек болалар шеъряти жаҳоннинг ҳар қандай болалар адабиёти билан бўйлаша олишини, аммо оғир қарвон — наср деярли ривожланмаётганини, носирларимиз фаол бўлиши лозимлиғи тўғри таъкидланган.

Шу ўринда бир воқеани айтмоқчиман. Бундан икки ҳафта илгари олти ёшли набирамни "Шарқ зиёкори" китоб дўконига олиб бордим. Ўзимға китоблар танладим, набирамға эса рангли, чиройли суратлар билан безатилган китобларни харид қилдик. Уйда набирамимдан бири китобларни арақлаб кўрди ва "Бувижон, бу китобда хатолар кўп-кўп", деб қолди. Эътибор берсам, муқованинг ўзиде "Юра даври жонворлари" деб ёзилган экан. Жонивор сўзидаги "и" туйиш қолган. Секин ўқий бошладим. Ўзбек, рус, инглиз тилларидаги бу чиройли китобға сарфланган меҳнат увол бўлибди. Имловий, услубий хатолар ҳар бир саҳифада учрайди. Жумладан, таррақиёт (таррақиёт), ҳеч (ҳеч), хомон (хамон), қизикарли (қизикарли), оқиб (ўқиб), хурсанд (хурсанд), кейинг (кейин), бошландиг (бошланғич) каби имловий хатоларнинг сон-саногига етиб бўлмайди. Бошқа хатоларни кўрсатиб ўтишни жоиз деб билмадим.

Мени ҳайратлантиргани, китобнинг адади беш мингта, янада ажабланарлиси, нуфузли нашриётнинг шу китобни сотувға қўйгани! "Адабиёт ўқувчилари" нашриётиде бу хатоларни мусахих кўрмагандир, эҳтимол, лекин "Шарқ зиёкори"да сотилаётган китоб сависига масъул зиёлилар бордир? Эрпўлат Бохт "Лофчи хўро" номли китобини пойтахт нашриётиде чап эттириб Ўрганда сотолмагач, Тошкентда сотилишға эришди. Демак, китобхонлар китоб сотиб олишда пойтахт нашриётлариға ишонишади. Шу ўринда болалар шоири Дилшод Ражаб: "Болалар учун китоб чиқарадиган бирорта махсус нашриётимиз йўқ" деганида нақадар ҳақ эканлигини таъкидлаш жоиз. Чунки лотин алифбосини, ундаги қоидаларни пухта билладиган муҳаррирлар жуда кам. Болалар нашриёти ташкил этилса ва саводли ёш муҳаррирлар ишға тақлиф этилса, балки китоблардаги хатолар камаяримди? Кавсар Турдиеванинг энг кичик китобхонлар учун уйинчоқ китобчаларининг турли вариантини уйлаб қуриш ҳақидаги тақлифи ўринли. Москвада чоп этилган самолёт, машина кўринишидаги китоблар кичик китобхонни дарҳол ўзига жалб этиши аниқ.

Яна бир гап. Қачонки ўқитувчи "Тонг юлдузи", "Гулхан" ва "Ғунча"ни ўзи ўқиса, ўқувчилариға энг яхши ҳикоя, шеър ёки хабарларни ўқиб берса, уларни қизиқтира олса, обуна сони ортади. Қирқ йиллик ўқитувчилик фаолиятимда ҳар ҳафтада "Газеталар шарҳи"ни ўтказардим. Ўқувчиларим навабати билан журналистлардек "Тонг юлдузи" газетасидаги мақолалар билан синфдошларини таништирар, сўнг ўзлари ҳам ёзишға ҳаракат қилишарди. Телевидениеда эса "Бизнинг кутубхона" кўрсатуви бўларди. Мактабимиздаги "Ёзувчи дарслари" да Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, болалар шоири Турсунбой Адашбоев, шоира Қўтлибақа Раҳимбоева, Умиде Абдуазимова ва бошқа кўплаб ижодкорлар ўқитувчи билан ҳамкорликда дарс ўтиб беришган. Айниқса, Турсунбой Адашбоевнинг Шавкат Раҳмон ижодиға бағишланган дарслари ўқувчиларға жуда манзур бўлган. Бу дарслар телевидениеда намойиш этилган.

Газетанинг болалар адабиётига бағишланган давра суҳбатини ташкил этгани айни муддао бўлган. Уйлаймики, баҳс давом этади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси

Нурали ЖАЛИЛ



ҚУМСОАТ

Назар сол, қуригач, қулади дарахт,
Ўрнига ёш ниҳол экилаётир.
Қумсоат ичида ўтиб борар вақт,
Вақтимиз шувиллаб тўкилаётир.

Қумсоатни қўйиб умрингни кузат,
Неча бор тўнкариб айлантирасан.
Руҳинг, вуждингни аямай фақат
Шу қатъий маромга шайлантирасан.

Токи вақт ганимат, қадрла уни,
Бу оддий ҳикматни англаб етгайсан.
Умрингнинг санаги тугаган куни
Қумсоат қумига сингиб кетгайсан.

Вақт азал шоштираб инсон зотини,
Биз унинг олдида турамыз қойим.
Чунки умримизнинг қумсоатини
Қайтадан тўнкариб қўймас Худойим.

ҚАЙДАМ

Тушларимни айтиб ҳижрон қўлига,
Отим бошин бурдим армон чўлига,
Тунлар кўзим тикиб Сомон йўлига,
Сўрадим юлдуздан, сўрадим ойдан —
Сиз менга кераксиз, мен сизга қайдам?

Баҳорнинг ортидан қувалаб чолдим,
Қидира-қидира бир лола топдим,

Атридан симириб-симириб тотдим,
Ховучлаб сув ичдим сиз кечган сойдан,
Сиз менга кераксиз, мен сизга қайдам?

Осмондан Зухрони олиб билмадим,
Кўнглингизга қўл ҳам солиб билмадим,
Балки севги куйин чалиб билмадим,
На бир танбурдану на бирор найдан,
Сиз менга кераксиз, мен сизга қайдам?

Ёшлик ҳам кўчамдан кетди бедарак,
Ҳамон қидираман сизни жонсарак,
Қон эмас, ҳижронни симирар юрак,
Аламим оламан ҳоҳида майдан,
Сиз менга кераксиз, мен сизга қайдам?

Тонг отмай юлдузлар сўнарни энди,
Орзулар армонга дўнарни энди,
Дедилар: — Севги ҳам ҳўнарни энди,

Йўқ, қайтмам муҳаббат исмли раъйдан —
Сиз менга кераксиз, мен сизга қайдам?

МЕНЧА СЕВМАГАН

Кимдир қўролмади, ёт билди мени,
Зот қолмади ёмон демаган.
Уларни тутади муҳаббат хуни,
Сени ҳеч ким менча севмаган.

Билмадим, дунёда нечамиз қолдик,
Дунёнинг ғамини емаган.
Фақат сен қисинма, лаблари боллик,
Сени ҳеч ким менча севмаган.

Киши руҳин қамал қилса муҳаббат,
У зинҳор бу ҳисни қувмаган.
Мен сенга ўзимни бахш этгум абад,
Сени ҳеч ким менча севмаган.

Зафар ХУДОЁР



Қўзларинг қамашиб ёруғлик, нурдан,
Атрофга термулсанг бир илинж кутиб.
Меҳробдан бир жойда муқаддас калом,
Битикни ўқисанг: “Рости-русти” деб.

Демакки, дунёда насибанг бордир,
Яна томирингда жўш уради қон.
Ёв қошида бошинг эгмак бекордир,
Энди тириклик бахт, энди ўлим шон.

Юртим тупроғини кўзимга сурдим,
Иғволар, ғавғолар, чиркинлар нечун?
Менинг ўзим кўрдим, мен ўзим кўрдим
Адолат қасрида Ҳақиқат тугин.

Адолат ПОЛВОНОВА



Мени бир зум ҳаёлидан ўчирганни,
Киприкларим маржонларга асир этиб,
Соғинчларнинг зардобини ичирганни...

Кечирмайман... Ҳиёнаткор қўлларни мен,
Тан олмайман, ишқдан бошқа
йўлларни мен,
Шу кунларга етиб келдим қуя-қуя,
Кўрдим қанча ёмғирлар дўлларни мен...

Кечирмайман мендан кечиб кетганларни,
Мени алдаб бегонани кутганларни,
Баҳоналар ортаверар, ишқ қолмаса...
Хотирага айлантириб ўтганларни.

ЮРТ ТУПРОҒИН КЎЗИМГА СУРДИМ

СУВ УЗРА ГУЛ

Сув париси чўмилган қўлда
Ҳилариға ўралиб буткул,
Япроқлари товланиб нурда
Сув юзида гуллайтир бир гул.

Биров дейди: бахтдан гуллайтир,
Уммондаги тахтдан гуллайтир.
Кимдир айтар: аҳддан гуллайтир,
Сув юзида гуллайтир бир гул.

Тунда моҳтоб ухлар ёнма-ён,
Кундузлари ложувард осмон.
Пар тўшаги бўлади уммон,
Сув юзида гуллайтир бир гул.

Англай олмай сирларин буткул,
Сувга чўкар девона кўнгил.
У шаффофдир, у жуда енгил,
Сув юзида гуллайтир бир гул.

Ҳаёл битар унга қасида,
Мадҳин битиб бўлмас аслида.
Ҳайратдан ҳам олис, нарида
Сув юзида гуллайтир бир гул.

ҚИШ ЭРТАГИ

Ойга қараб увлайди қашқир,
Аччиқ ёшлар оқар кўзидан.
Ййдоқ дала, болангни яшир,
Овчи келар қашқир изидан.

Музлаб турар далада аёз,
Еллар қорга урар тўшини.
Ўқ овози янграйди бехос,
Бузиб учар туннинг тушини.

Ойдин кеча, қолади излар,
Қон сачрайди қорнинг юзига.
Ялтираган ой нури музлар
Қўшогизли милитк оғзида.

Ойга видо айтар сукунат,
Тун пардаси йиртилар идраб.
Имиллайди бир кимса фақат —
Овчи қайтар қашқирни судраб.

Умид торларига титраса нола,
Бўронлар қаҳридан чарчасанг, толсанг.
Ҳақиқат туғлари эгилган палла,
Адолат қасрига дуч келиб қолсанг...

Ҳаёлинг бошингдан кетганда учиб,
Ҳам ҳушдан, ҳам тушдан бўлолмай огоҳ.
Қўлдаги машаланг қолмасдан ўчиб,
Шу сарой девори тиласа паноҳ...

Шарпалар, шубҳалар қўланқасида,
Қўлингни чўзганда дарвоза томон,
Қадам товушдай сукут сасида
Очасан, бир қаср — нурдан чароғон.

МУҲАББАТ ЭҲСОНЛАРИ

ХАЛҚИМ

Биттаси йиқилса, ўнтаси тиргак,
Илдизи бақувват, ёяди куртак,
Луғатида йўқдир асло енгилмак,
Сажадада дуоси тўхтамас халқ бу,
Ўзидан ўзгага ўхшамас халқ бу.

Сабр қилар, ташвиш келса бошига,
Шерик айлар, еган нону ошига
Таъзимдаман бугун кекса, ёшига
Ҳамд ила саноси тўхтамас халқ бу,
Ўзидан ўзгага ўхшамас халқ бу.

Ботир ҳатто бешикдаги гўдаклари,
Алпомишдек ерга тегмас кураклари
Кўрдим... кенгдир уйларидаан юраклари
Меҳрининг дарёси тўхтамас халқ бу,
Ўзидан ўзгага ўхшамас халқ бу.

Бировнинг боласин болам деганлар,
Шу элда Ватан деб жонин берганлар,
Адолат дер, кўрсин ишонмаганлар,

Ошганда баҳоси тўхтамас халқ бу,
Ўзидан ўзгага ўхшамас халқ бу.

ОНАЖОНИМ

Четга суриб бу дунёнинг ғамларини,
Тўлдиришга уринмасдан камларини,
Артиб қўйиб, кўзларимнинг намларини,
Тиззангизда ухлагим бор, онажоним...

Уни бунга сотар дунё савдоси кўп,
Меҳр излаб, мўлтираган ғадоси кўп,
Ишончимнинг ҳар қадамда хатоси кўп,
Тиззангизда ухлагим бор, онажоним.

Алданибман баҳори йўқ боғлар билан,
Сал нарасага чўкиб кетар тоғлар билан,
Қайга борай кўксимдаги доғлар билан,
Тиззангизда ухлагим бор, онажоним...

Қани учсам қанот боғлаб ёнингизга,
Ўзим отсам меҳр деган конингизга,

Оро кирмабман-а, бир бор жонингизга,
Тиззангизда ухлагим бор, онажоним...

Жоним учун жони ҳалак биргинасиз,
Севгисиз меҳри бўлак биргинасиз,
Адолатга ҳар он керак биргинасиз,
Тиззангизда ухлагим бор, онажоним.
Бағрингизда ухлагим бор, онажоним.

КЕЧИРМАЙМАН

Кечирмайман мендан кечиб кетганларни,
Мени алдаб бегонани кутганларни,
Баҳоналар ортаверар ишқ қолмаса...
Хотирага айлантириб ўтганларни.

Кечирмайман сохта бўлса дил сўзлари,
Севмай туриб алдайверса ул кўзлари,
Кетиб туриб, келмоғини қилса миннат,
Юрагимдан ўчиб кетар гул излари...

Кечирмайман юрагидан кўчирганни,

Зийнат АБДУЛЛАЕВА

ВАТАНИМ БАҒРИДА ГУЛЛАЙДИ ҲАЁТ

ИШОН

Қалбинг ойнасида аксим синиғи,
Айрилиқ қўлингдан қўлимни олса,
Маҳзун хотирларнинг шивир-шивири,
Кет десанг, кеч десанг ва мендан тонсанг,
Ўтмишга занжирбанд этардим, ишон...

Ичингдан вулқонинг тошса, тошиқса,
Шўх қизлар атрофинг ўраса шодон.
Куй-қўшиқ янграса рақси хиром-ла,
Нўш этсанг, ҳуш этсанг кўнгилда фиғон,
Соғинча ён бериб кутардим, ишон.

Сўзларинг сўзимни кесса ҳам кескир,
Меҳрингни меҳримга қаршилаб қўйсанг
Ва яна айтсангни, йўлларимдан қоч,
Видо ханжарини кўксимга санчсанг,
Қонимга жисмингни кўмардим, ишон.

Кўрсатсанг минг битта ғаму изтироб,
Ғуноҳлар елкалаб қайтсанг ортинга.
Дард берса Аллоҳим ишқингда ўртаб,
Келсангу бағрингни берсанг эркалаб,
Роббимга тавбалар қилардим, ишон...

Роббимга тавбалар қилардим, ишон...

ОТА

Ота,
Азобга қоришди соғинч йўллари,
Изтироб юзига юзим босаман,
Дийдорни торқутиб олган қисматнинг
Йулини бу кеча ўзим тўсаман

Ва қайта келаман яна ҳаётга,
Бепарво нигоҳга кўзларим қадаб.

Бир чимдим меҳрингиз тилаб бораман,
Қуйган қул кўнглимда аламлар тутаб.

Дилимни йиғлатган бешафқат вақтни
Тўхтатиб қўйсайдим ўтинчим билан.
Юрагимни ззган ғамлар шодасин
Итқитиб отсайдим бор кучим билан.

Ота,
Азобга қоришди соғинч йўллари...

ЯПРОҚ

Маъсума туйғулар авжига чиқиб,
Қалбим ойнасини чертиб ўтмоқда.
Шашқатор ёшларим шигалаб ёғиб,
Маъсума япроқнинг юзин ўпмоқда.

Ҳисларим телбавор изтироб чекса,
Дийдор фариштаси келар мен томон.

Қўлларимдан тутиб қўкка бўйлашиб,
Бағрига қорлайди висол сен томон.

Лек қўйиб юбормас мендаги менлик,
Фурурим устунлик қилар севгимдан.
Парчалаб ташлайди бутун жисминни,
Қалбим беморлигин билар севгимдан.

Соғинч мактуб йўллар хаста юракка,
Зулмат соқчи айлар ўртада ҳижрон.
Васлнинг либосин кияр айрилиқ,
Дилларда муҳаббат саргардон, сарсон.

Аёвсиз севалар ишқимни йиллар,
Ўзига торқутиб ёлғизлик жари.
Сўнгги манзил томон бормоқдаман жим,
Кўксимга қадалиб армон ханжари.

Соғинч мактуб йўллар бугун висолга...

Наргиза АСАДОВА



Эрталабдан ёмғир иси димоққа урилди.
Хазонлар устига ёққан ёмғир атрофга ҳазинлик бахш этган,
шалаббо тонг очик дераздан жонига октябрь ҳаво-
си билан жунжуқтирувчи бир нафас олиб кирганди.
Ташқариға боқарканман, шигиллаб сокин қуй чалаётган
ёмғир олис хотираларни бошлаб келди...

Ушанда дам олиш куни эди. Ишларни охирига
етказиб, ҳисоботларни тайёрлаб қўйиб, нонуштадан
кейин йўлга тушдим. Теваракка боқарканман, Яратган-
нинг моҳирлигига, бонүкронлигига яна бир қарра амин
бўлдим. У яратган ҳар бир нарсда адолат, тенглик бор.
Иссиқ бўлса совуқ, гул бўлса хазон, ҳаёт бўлса ўлим.
Шу мувоzanат ичра айни кезде табиат шу қадар дил-
бар, ҳамма ёқда маъсумлик, маъсумлик, маъсумлик...

Ишхонага етиб келиб, эшикка калит солдим,
хона очик эди. Мендан бошқа кимдир келганимкин,
деган ўйда ичкарига кирдим. Кимса кўринмасди.
Компьютеримни ёқиб, чала қолган ишларни туга-
тишга киришдим. Қанча ўтирдим билмадим, айвон
томондан йўтал товуши эшитилди. Ҳайрон бўлиб,
айвончага бокдим. Унда тамаки тутатиб қаергадир
тикилганча Мардан турарди.

Мардан қадрдоним. Иш бошла-
ганимдан бери ёнимда. Кўнгли тоза,
бийрон гапирарди. Ҳамиша қўлиб турадиган Мар-
данини ўз инимдек кўраман. Утган йили ўёлига сун-

ХИКОЯ

МАРДАНИНГ МУШТИ

нат тўй қилди. Ёнида турдим, кам-кўстига қўлдан
келганча қўмақлашдим. Хотини қозғистонлик,
меҳмонлар ҳам аксарият ўша ёқдан келишди.
Эрталабдан кечгача мақола ёзиб, қоғозларга кў-
милиб ўтирадиган ишхонамизда Марданининг ўрни
бўлакча. Газетани саҳифалашда унинг олдиға туша-
дигани йўқ. Ҳар бир қаторга, ранга, мақолалар ўрта-
сидиға ўлчовигача эътибор беради. У негадир сўнгги
кунларда жуда паршон, камгап. Мендек сирдошига
ҳам кўнгли ёрай деймади. Ишда унум йўқ, чекиш
жойига келиб, эртадан кечгача тамаки тутатгани ту-
татган.

Ишхонамиз катта кўчанинг шундоқ ёнида.
Саҳардан шомгача шовқин-сурон тинмайди. Лекин
шу сершовкин макондан нариға ўтилса, дунёнинг
ташвишларидан холи, маҳзунлик, сокинлик макони
бўлиши қабристон бор. Бу ерда хотиралар яшайди,
армонлар яшайди, кўзешлар тинмайди. Мозорис-
тондан кўним топган кимса борки, бир мақомда —
марҳум дейилди. Бу жойда на бойлик, на мансаб ва
на фарзанд жонга оро қиради. Фақат тириклик чоғи-
даги савоб ва ғуноҳ Тангрининг адолат тарозисиди
ўлчанарди. Катта-кичик тошлар билан зийнатланган
қабрлар устидан дарахтлар шу тобда ҳаётлигида не-
не давронларни сурган, елкасидиға чангни пуфлаб
яшаган олифта, пўрим, сипо кимсаларнинг энди бир
ховуч қаро тупроқ ичра барча марҳумлар қатори тенг
бўлиб қолгандан ўйга толгандек. Ана шу қабристонга
негадир Мардан тикилганни тикилган.

Бугун ҳам ишга келганига қараганда, унга ни-
мадир бўлган. Аста эшикни очиб, айвонга чиқдим. У
ҳам мени кўриб ҳайрон бўлди, одатича қийқ кўзла-
ри билан мулойим табассум қилди. Сўнг дўппайиб
турган қабрларга кўз ташлаб:

— Ака, Ватан нима дегани? — деди.
— Ватаним? Тугилиб ўсган еринг-да.
Мардан истеъзоли кудди.

— Шунинг ёнимдагиларга тушунтирولмаяп-
ман-да, — деди “ух” тортиб.
Гап нимадалигини тушунмадим. Лекин ботиниб
сурамдим. Ўзи айтар деган фикрда унга қарадим. У
эса кўзларини олиб қўлди ва яна пасда автоуловлар
ғиз-ғиз ўтиб, дарахтлар остида ўз ташвишлари билан
қўймаланаётган одамларга тикилди. Ҳозир уни нима-
дир қўйнар, қандайдир андуҳ қалбини эзарди.

— Одам мана шу дарахтларга ўхшайди. Аввал
ниҳол бўлиб, барг ёзади, мева тугади, сўнг тўки-
лади. Уни ерда тутиб турган нарсга эса илдизидир.
Одам ҳам шундай, уни ўз ерида ушлаб турган на-
рса Ватанидир. Мен шу ерда туғилдим. Ўзбеклар
маҳалласида, болалар билан тўп тепиб катта бўл-
дим. Ота-онам вафотидан кейин сингилларимни
боқиб учун қанча эшикларда хизмат қилмадим. Ях-
шиямки, ўзбеклар бағрикенг, меҳр-оқибати. Улар
энг оғир кунларимда доим ёрдан беришди.

Мардан тамакини чўқур-чўқур тортиди, кейин
бирдан йўтали тутди. Сув олиб келдим, ичди. Бир
пасдан сўнг ўзига келиб деди:

— Хотинимнинг уруғлари анчадан бери тинчимизни
бузишган, — деб сўзида давом этди. — Ўз юртинга кел,
биз билан яша деб, ҳол-жонига қўйишмайтми. Кели-
нингиз ҳам ушалар тарафда, болаларимга ҳам туну
кун кўчиб кетишимиз керак, дея уқтиргани-уқтирган.
Ака, ахир, Ватан битта бўлади-ку. Одам ким бўлмасин,
туғилган ерига қўндек боғлиқ-ку, тўғрими? Бир кун
қайнотам: “Сен қандай қозқсан ўзи, ўз юртингни уну-
тадиган”, деб қойиб берди. Ух... қўйналиб кетдим, ака.

Шу тобда унга нима деб тасалли беришни билмас-
дим. Кетма, десам, оиласи бор, кетавер, десам, ўзига,
бизга қийин. Аростда қолган йигитнинг изтироблари
шунчаки қайғу эмас, юрт қайғуси эди.

— Ака, анави қабристонда менинг ота-онам ётибди.
Уларни тез-тез зийбат қиламан. Онамнинг меҳрини,
отамнинг тафтини ўша тупроқдан оламан. Кўнглим тас-

кин топади. Онагинам ҳар сафар тандирга уннаганда
менга қўлча ҳам ёпарди. Қозқча аллалар айтиб бе-
рарди. Овози ширали эди. Отам дам олганда, дўмбира
чалиб берарди, жим ўтириб эшитардиқ. Ўша кунлар
хотирасини қандай ташлаб кетаман, ота-онанинг хоки
ҳам Ватан-ку?!

Назаримда, Марданини яхши биламан деб ўйлар-
канман. Лекин изтироб одамнинг кимлигини кўрсата-
ди, дейишгани рост экан. Ҳозир ёнимда туриб, қалби-
дагини менга тўкиб солаётган йигитни қайтадан қашф
қилгандек эдим. Унга янада меҳрим тушди.

— Ака, аслида биз ўзбек, қозқ, қирғиз, турк, турк-
ман, озар бир муштимиз-ку! Биз Турон фарзандлари,
бир улуг элнинг болаларимиз-ку, — деди у муштини
ҳавода сермаб. Ногоҳ ундаги ҳажжон менга ҳам юқди.

— Рост айтасан, Мардан, биз бир муштимиз, Ту-
ронликлармиз. Шу гапинг эр йигитнинг сўзи бўлди,
— дедим мен ҳам муштимни кўтариб.

У қўлиб қўйди, назаримда, бу сўз иккимизга
ҳам ҳузур, дилимизга аллақандай куч берганди.

Бир неча кун ўтиб, ишхонада Мардан ёнимга кирди
ва стулга омонат ўтирди.

— Нима бўлди, Мардан? — дедим. У ерга қаради.
Гапиршига чоғланди, ютинди. Томоғига бир нима
тиқилгандек қириб қўйди.

— Шифохонадан келяпман, ака. Яна тобим
қочди. Илгари унчалик эмасди. Бу сафар анча без-
овта қиялпти. Келинингиз бу баҳона, сиз кетамиз
девяттанимиз учун шундай деясиз дедиди. Тавба,
дейман. Юрак билан ҳазиллашиб бўларканми, ака?

Кўзларини ердан узмай, ғуноҳ иш қилгандек ўти-
раркан, ёнига бордим. Елкасига қўлимни қўйиб:

— Мардан, бундай юрма, соғлиққа жиддий қара.
Ҳали ёшсан, юрак юзга кирганинда ҳам керак бўла-
ди, — дедим.

— Ака, мен ўзи бошқа нарсани айтмоқ-
чийдим. Шу десангиз, сира келишолма-
дик, бўлмади. Охири улар голиб келишди.

Ҳаммаси бир бўлиб мен ёлғизини енгитди. Энди
кўчиб кетаяпман, — деди янада музтар.

Иброҳим ҒАҒУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЕР МУЗАЛАРИ

Шоира Шарифа Салимова йўли

Ҳали кўнгирок сочли шўх қизалоқ экан, у ўзининг чиройли боғи бўлишини истади. Бу боғ баланд, баҳаво қирнинг этагига жойлашсин. Бу боғ биллур зарралар сочган шаршалари, узок тоғлар тизмалари қаърларидан сизиб келаётган шаффоф булоқлари, оқ, қора, яшил, напармон райхонлари, гуркираган мўъжаз-мўъжаз чаманзорлари, тинмай жилдираган ариқчалар бўйларида ўсган қуюқ ялпизлари, бинафшалари, оқ сариқ, ним пуштираёна гуллари билан яшнаб ётади. Шомдан оппоқ тонларгача намозшомгуллар ҳилвирик лабларини шабнамларга тутди. Шарифа гулбуталар тагига яшириниб олиб, чигирткадай тинмай қўшиқ битади. Карнайгуллар анқайиб тинглаб, Паркентнинг майин сабонарида худди куй тинглаётгандай тебранади. “Яна айт!... Яна айт!...” деб қизилшоҳи қўйлақчасининг этагидан тортадилар. Қизалоқ пичирлаб-пичирлаб шеър, қўшиқ, эртақ ўқиб гуллар, япроқлар ҳамоҳанг бўлиб рақсга тушаётганини пайқамайди.

Қизалоқда алланечук жуда тоза, жуда майин қизалоқлик истаклари мавжланади. Тумтаймачоқ, боши солинмачоқ наргисларни бепарволикда айбситиб уришади. Яна бир жилавор истак: гулга, гул япроғига, гул рангига, гул атрига айлангиси келади. Қиз боғда узок қолиб кетганидан хавотирланиб болохона ичкарасидан онаси Меҳриниса бонунинг оҳиста қақирганини эшитди. Онасининг овози жуда майин, худди савъанинг овозидай: Шарифа-йу! Боғлаб қўйган ялпиз, бинафша гулдасталарини кўтариб гулбуталар орасидан чиқади, ариқчалардан ҳатлаб, гулдастасини осмонга тутди ва баланд тоғларга учиб бориб қўнгиси келади: айюу! Мен парийман, пайкарзодман, озодман, мен бўлбуман, озод қўйларимни қўйласин олам! Жўр бўлинг гулларим Сиз ҳам! У қизгалдоқ гулдаш шамолларга бошини тугити, югургана она чорловига учаркан, этакчаси экингидан гул япроқлари шамолда сочилиб боради. Унинг ўзи шеърга айланиб бораётгандай бўлади.

О, Паркент лозазорлари! Уйқудан уйғонаётган пахлавонлардай тоқзорлари! Қирлар оша айлана-айлана кетган тулпаро қотган йўллар, сўқмоқлар! Жарлар, адирларга ёйилган қўй-эчки подалари! Оқ тонларда, шом чокларда пов-пов сут соққан икки юзи қўп-қизил қиз-жувонлар! Мард келбат, боғбон, дехқон, чорвадор эрлар!

Сочлари жингалак қиз Шарифа сизни қўйламай кимни қўйласин! Сиз ахир унинг жону жаҳони! Сийпаланган илҳом қайларга парвоз қилмасин! Қумушқонлар оша! Заркатлар оша! Бешиқ тоғлар оша! О, бу беҳад бепоев шуқуҳли адирлари! Сиз эмасми навнўхл шоира хаёлларини Чотқолчарига ўстирган! Қиз боло хаёлларини аллалаган! “Мен Чотқол қизиман!” деб бекорга айтадим! У ўзини танияпти, ахир! Ўз гўзал юртини англапти, ахир! У билан аҳднома тузпти, ахир. Уни жаҳонга қийсалапти, ахир. Заковатли Германияни кезгандарида доим қўз ўнгига Бешиқтоғ ва гуллаган буюк бодом иккислиб турмадимми, ахир! Ватан тимсоллари, эрк тимсоллари... Эл-элат, ўзига хос цивилизация турмадимми, ахир! Чоғиштирар кезлар тақдирда бостириб келмадимми, ахир! Юртим! Тамаддуним! Сиз уни тогли, мазали, нашьали юрак сўзларига ўргатдингиз.



Маъсум, масъуд боғлар! Булар ватан эмасми! Тароватли шўх сойлар! Булар ватан эмасми! О, она! Сиз хаёлларга ҳаёт ва жон бағишладингиз! Шарифа сизни алқайдиган сўзлар топиб, уларни фақат Паркент оҳангларига ҳамоғуш қилиб Ватан ошёнларига йўл олди. Оналарни алқаган овози кўкларгача кўтарилди. Ғафур Ғулом баҳор чоғи “Шамол! Нозимжоннинг варратини олиб кет!” деб қўйлаган эди ўз бағрикенглик ҳаётини фалсафасидан келиб чиқиб. Ғафур Ғулом шеърларида осмонлар ва кинотлар қадар кўтарилиб борарди, уфқлари шу қаадар кенг эди шеърининг. Жаҳонни чорлар эди ўзбек элини келиб қўришга. Шарифахоннинг шеърлари, достонлари ҳам шундай ҳароратли чорловларга бегона эмас. Ҳар бир саҳуфасини очиб қарасангиз, ишонасиз! Шоира сизни ишонтирмагунча қўймайди.

Паркентнинг тоза сабонари Шарифанинг ҳам кўнгил изҳорлари каби янграган сўзларини Ватан йўлларига, юрт ошёнларига олиб кетди юксалтириб.

“Мен бир боққа қираётирман... оху каби ҳуркиб”. Қирмиз лабларидан титраб чиққан сўзларга дугоналари қулоқ солиб шўх шарақлаб қулишади. Шарифанинг овози титраб-титраб тўлишади: Сўзлари доим титроқда, доим ҳаяжонда!

“Боғларингни сайр этганим чоғ, Бағрим бахтга тўлиб кетади. У бир боғки, меҳри билан ловуллар таним! Вой ёняпти, қизлар! Шарифа ёняпти!” — Қизлар хандон отиб Шарифани қир телаларга судрашади. Шарифа илҳом қанотида учади. Ҳар бир дугонасига шеър айтгиси келади. Шарифа дил розларини шеърга айлантиради. Унинг юрагига эга чиққан Шеърнинг ўзи қўюлиб келади. Шеър адирда думалаб кетаётган қамғоққа менгзайди. Шамол уни қаерга элтади, у қаерда тўхтади. Шеър ҳам шундай қалблардан қалбларга макон излайди.

Шарифа Салимова қўз ўнгимизда ижодкор, шоира, журналист бўлиб етишди. Фаол жамоатчи бўлиб, эл-юртга сидқидилдан хизмат қилди. Елкасига юмушлар ортиб эл кезди. У гўзал Паркентни беш қўлдай билади. Тош-

кент воҳаси туманларида ҳар остонани босиб ўтган, ҳар юртдош билан суҳбатдош бўлган, эл дардлари, муаммоларини тинглаган, уларга биргаликда ечимлар топишга интилган.

Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Турсуной Содикова, Гулчехра Жўраева, Гулчехра Нуруллаева, Эътибор Охунова, Олмос Ғуломов сингари опалари билан бирга Зулфия, Саида Зуннунова, Музайяна Алавия каби алломайи замон устозларга шоғирдлик удумлари билан эргашган. Улардан шеър силраларини урганган, жўровоз бўлган. Уларнинг инсоний шуқуҳлари, ўзбекона латофатлари Шарифанинг ҳозиргача ёзган барча асарларига зевар каби ёғилган. Замоннинг улғу шоирлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов Шарифани ўз тугишган сингилларидек эъзозлар, ҳар ерда унинг ҳурматини жойига қўярдилар. Ҳукуматимиз Шарифа Салимованинг ғайрат билан эл, адабиёт, хотин-қизлар эрки, бахт-саодати йўлида қилган хизматларини муносиб қадрлади. Шарифа Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланди. Адабиёт дунёсида Шарифанинг қатор-қатор китоблари эътироф қозонди, қўйланадиган бўлди. “Тупроғингга томмиш бу киндик қоним, Булоқлардан тиниқ, тоза имоним, — деб қўйлайди Шарифа. — Сочлари оқ онам—Паркентим, жоним, Қўргали бир қизинг келибди денглар”. Мен бу сўзларимни худди эртақ айтаётгандай бўлиб ёзяман. Олмоншунос олим ва таржимон Хуррам Раҳимов оиласи... зиёлилар, олимлар, дўст-ёронлар, қавм-қариндошлар, китобхон муҳлислар ўртасида ҳурмат билан тилга олинади. Бу олимлар, муаллималар оиласи. Шарифа ва Хуррам бу оила аъзоларини жондан қимматли фарзандлар, набираларни кўзқорачўғидек авайлаб тарбия қилишган. Меҳмондўстлик, одампарварлик бу оилада доим қадрланади. Биз Шарифа ва Хуррам ва уларнинг гўзал тийнатли, салоҳиятли фарзандлари билан биргаликда Паркент уваларида кўп сайр қилганмиз. Тоғлар, қир-адирлар оқиб зиёратгоҳларга тавофга борганмиз. Пайкалларда бўлганмиз, туз-насиба тогганмиз. Янаям эртакка ўхшамасинми? Янаям эртақ қилиб ёзмайинми? Мабодо эртакка ўхшамаса, гувоҳларим бор: Паркентнинг суноқли нўнларни момақалдиқодай шоир Маҳмуд Тоир ва насрда Қодирийга қўл берган Хайриддин Султондан сўранг. Бизни Паркент ёғдулари тарбия қилган. Зухролари, Тоҳирлари ҳамиша бор бўлсин, омон бўлсин Паркентнинг!

ҲИҚМАТ ЎРНИДА

Охирида Жомийнинг гўзал “Баҳористон”идан бир ҳикоят ва сурат келтирмакчиман:

ҲИКОЯТ. Рўям: “Мардоналик ўз биродарлари камчилигини кечиршида ва кетидан кечирим сўраш лозим бўлмайдиган иш қилишда!” дер эди.

Икки нарса мардоналик бўлур, бил Сенга айтиб берай бир-бир қулоқ сол. Бир булким, кечира бил дўстларинг, Хатолари бўлса ҳамки қўп қўлоқ. Иккинчиси: узрли иш қилма ҳеч, Мард кишига узр сўраш қўп маҳол.” (Ш. Шомухамедов таржимаси).

Шу гўзал ҳикоятга рассом Т.Жамолиддиновнинг бир суратини ҳам илова қилиш орсизим бор. Оиланинг барча аъзолари шу сурат билан бирга менинг қизин қадрдонлик салом ва табриқларимни қабул қилишсин. Вассалом.

**Рўям — Урта аср Шарқ донишмандларидан бири.*



Суратда: Шоира Зулфия қардош тожик шоирлари Гулрухсор Сафиева ва Лойиқ Шерали билан (Душанбе шаҳри, 1982).

Чўлпон таваллудининг 125 йиллиги

ҲИКОЯДА ДАВР РУҲИ


“Қор қўйнида пола” ҳикояси мисолида

Ўз давридаёқ мунаққид А.Саъдий томонидан “...у ғнадуру, ҳам ёндирадур” дея таъриф берилган Чўлпон ижоди серқирраллиги ва оташин руҳи билан эътибор қозонган. Илк асарлари билан янгиланаётган ўзбек адабиётига ўзгача рух, шакл ва мазмун олиб кирган адабнинг “Булоқлар” тўпламига тақриз ёзган мунаққид Вадуд Маҳмуд “...бугунги ўзбек адабиётига янги бир тўн қийғизилди” дея, бу “тўнни қийғизган” Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон эканини таъкидлаган эди.

“Қор қўйнида пола” — рамзларга бой Чўлпон ҳикояларининг энг гўзал намунаси. Ҳикояни ҳар қандай усулда таҳлил этганда ҳам бадиий жиҳатдан юксаклиги намойён бўлади. Унда софлик ва ғажарлик, бойлик ва йўқсиллик, имон ва нафс тажаллиси, давр оғриқлари, қисматга қўниқиб, ҳаёт синовлари олдида ожизлик изтироблари гўзал ифодаланган. Ҳикоя “Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн...” дея санаб, тўп сакратиб ўйнаётган қизлар тасвири билан бошланади. “Кичкина, қизил илдан безалган тўп алжиб қочиб кетиб, ертўла оғилнинг деворига ёндошиб ўсқан ён қантақ ўрмича бориб тегди-да, сакраб ҳовузга “шўп” этиб тушиб ҳам кетди”.

Ҳикоя негара бундай бошланди? Эътибор берилса, Чўлпон ҳикояда тўп сакратиб ўйнаётган қизларнинг ёшани айтмайди. Аммо санок ўнда тугайди ва бу давр ўн гулидан бир гули очилмаган миллат эртаси — қизларнинг умри каби мураккаблашиб боришига ишора қилади. Қизларнинг қўлидаги тўп эса тақдирга менгзалади. Тўп “шўп этиб” ҳовузга тушиб кетади. Нега дарёга эмас? Ҳовуз лойқа ва биқик. Бу манзара айни ўша давр ҳаётининг бадиий инъикоси.

Чўлпон ҳикояни шундай назик драматик тасвир билан бошлайди ва “саҳнадан саҳнага ўтиш” орқали давр руҳиятини, ҳаёт оғриқларини, умуман, Туркистон мусибатини намойён этади. Эътибор берайлик: қизнинг исми Шарофат — кўнгли тоза, қалби покиза демак. Отаси Самандар — ўтда пайдо бўлиб, ўт ичида яшовчи қуш. Ҳикояда ўт бўлиб ёнаётган жамиятга — эшон-у мулалар ораси-ги қириб олган, шу муҳитга мослашган инсон. Чўлпон ҳам айнан келтиради: “...Эрта билан саҳарлаб эшонникига кетар, зикр бўлса-бўлмаса, эшоннинг ишини қилиб, кечқурун шомлатиб ўйга келар эди. Уйга келгандан сўнг ҳам бир қўшиқ қуюқ-суёғи бўлса тотиниб, малла жойнамозининг устига чиқиб ўлтуриб, қаҳраб тасбеҳни неча давр айлантириб, “вазифа”ларини ўқур, сўнгра то ярим кеча-саҳаргача хўнғур-хўнғур йиғлар эди”. Муаллиф бир ўринда Самандарнинг эшонга қанчалик мутелигини унга тузукроқ нарсаси эҳсон қилолмаётганидан хижолатда эканлиги билан ифодаласа, кейинги саҳнада эшондан қизига совчи келганини эшитиб, юксак эҳтиромини бир жумла билан ифодалайди: “Битта қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизга тутдиқ, садағалари кетсун!” Мана, отанинг аҳоли. Ўйлаб ҳам ўтирмасдан, энди-гина ўн еттига чиққан қизини эшонга учинчи хотин қилиб беришга рози бўлиб ўтирибди! Кенг маънода қарайдиган бўлсак, бу миллатнинг аҳоли... Чўлпон ҳикояда бир неча қутблар тўқнашувини кўрсатади ва 17 ёшли қизнинг “...оппоқ соқолли, қари, бушашгон бир чол (қувв тўра)”га узатилиши орқали миллат



ёшларининг кўкармаслигини, аниқроғи, эски тузум — истибод қўрбонларининг ҳақиқий аҳолини кўрсатади. Она — аёлнинг эса оилада умуман ўрни йўқ; “Қумрибуш қутилмаган бу гапдан оқарди, қўқарди, сўвратдек қотиб деворга суяниб қолди”. Қумрибуш — жамиятдаги аёллар тимсоли, ювош, беозор (овози чиқмайди), айтилган сўз ва фикрларни мушоҳада қилиб кўрмайди, қаршилиқ кўрсатмайди. Чўлпон миллат тарбиячилари бўлган оналар аҳолини тасвирлаш орқали жамиятнинг асл манзарасини чидади.

Миллатни уйғотмоқни мақсад қилган жадид намояндалари нафақат ижтимоий ҳаётда, мактаб ва таълим тизимида, балки бадиий адабиётда ҳам янгиликлар, туб бўрилишларни бошлаб берган эди. Уларнинг қарашлари, таълимоти эски қолипларга сиғмас, табиийки, эскилик ишлари билан миллат руҳиятига эврилишлар, ёлқинлар олиб қира олмас эди. Миллатни равақ топтириш учун, аввало, уни мустамакка тизим асоратларидан халос этиш, бунинг учун эса халқ ўзини ўзи танитмоғи, бирлашиб, яқдиллик билан миллий ифтихор туйғусига эга бўлмоғи керак эди. Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, “Чўлпон халқни шу даражага етказишга ёрдам берадиган имкониятлар, чора-тадбирлар излайди ва адабиёт уларнинг энг самаралисидир”. Шу боисдан Чўлпон ижодига ҳам даврга ҳамоҳанг янгилик, эски қолипларни парчалаш буй кўрсатган. Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, “Буни эски шаклда ёзмоқчи бўлганида, “Андоқ ривоя(т) қилурлар-ким” деб бошлаб, “Самандар ака деган бор эди, унинг қизи бор эди, бири қизига совчи юборди”, деб воқеаларни қаторлаб тизиб асарини битирган бўлар эди. Бироқ Чўлпон бундай қилмаган. Мундарижани янги-янги тўрт фаслга тўрт қўранишга бўлган. Тўй ўйуни, шайх, тўй, қўдирларнинг бу тўй тўғрисидаги фикрлари. Ҳамда ҳикоянинг Самандар аканинг қизи тўғрисида бўлганини сездирмастек қизларнинг тўй ўйунларини жуда усталек билан тасвир этишга киришган”.

Дарҳақиқат, ҳикоя мазкур тўрт қисмда тугал мазмун касб этган ва муаллифнинг гоҳ ҳамда мақсадларига тўла хизмат қилган. Боиси, жадидлар ҳар бир масаланинг туб моҳиятини очиб бериш ва оқибатларини ҳам жонли кўрсатишни афзал билишган. Ҳикоя ниятисиде тасвирланган манзара — тўй муҳокамаси исёнкорлиги сўндирилган оломон руҳиятидаги сусткашлик, чорасизлик ва қўниқувчанликнинг тиниқ тасвири, дейиш мумкин. Зеро, Чўлпон ҳам мана шунини таъкидлагандек бўлаверади.

Холиёр САҒАФОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети магистри

КИТОБИЊГИЗНИ ЎҚИДИМ

СУКУТ САДОСИНИНГ ЖАРАНГИ

Шеърда инсон руҳияти тасвири ва таркини янгича тафаккур тарзини пайдо қилаётганини сир эмас. Янги тимсоллар, метафоралар, образлар ҳар бир шоирнинг XXI аср шеър-иятидаги ўрнини, овозини билдириб туради.

XX асрнинг охириги XXI асрнинг биринчи чорагига мансуб ана шундай пешқадам шоирлардан бири Икром Отамуроддир. Зотан, шоирнинг олами, тасаввурлари, англаш тамойиллари ўзига хослиги билан ажралаб туради. Унинг китоби номланишидаёқ ана шундай янгилашниш қузатамиз: “Сукут садоси” (“Адабиёт” нашри-ёти, 2021). Мантқан олиб қаралганда, сукут садо бермаслиги тайин. Аммо шоирнинг тасаввурларини жунбушга келтирадиган сеҳрли куч ана шу сукутдир. Ўзининг эътирофича, “Сукут ризолик аломати эмас, инкор тарзи ҳам эмасдир... аксинча, сукут — руҳда қўйлаган жавҳар, сукут — руҳдан томчиллаган ёш. Сукут — тамаларга ён бермаган мард, сукут — шовқинларга санчилган синан”. Шоирнинг тимсоллари, метафоралари, ташбеҳларини, назаримизда, қўхна Шарқ тарихидаги иероглифларга ўхшатиш мумкин. Иероглифлар микдоран эз бўлса ҳам, битиклар муаллифининг чексиз кенг ва теран ғояларини акс эттиради. Шу сингари, Икром Отамуроднинг ўзига хос бадиий тасвир воситалари ҳам аини иероглифлар сингари теран маъноли ҳамда кенг маънолидир.

Икром Отамурод шеър-ияти XXI аср биринчи чорагига тафаккурдаги янгилашни самараси десак, муволаға бўлмас. Бу даврга келиб дунёқараш ўзгарди, олам ўзгарди, табиийки, адабиёт ҳам ўзгаршига юз тутди. Бугунги китобхонни мушоҳада қилишга, ўйлашга ундайдиган шеърлар тугилди.

Адабиётда мустаҳкам ўз ўрнини топган шоирнинг ўзи яратган образлари, тимсоллари бўлади. Шоирнинг оригиналлиги ҳам,

энг аввало, оламни ва ундаги тимсолларни индивидуал йўсинда қўриш ва ҳис қилишдан иборат. Кангул Икром Отамуроднинг ёрқин қиёфасини жанглантирадиган суратга айланиб кетган. Шу сўз айтилганда,

ижод аҳли ва адабиётшунослар, шоирнинг муҳлислари юзида бир нур пайдо бўлади. Ўша заҳоти Икром Отамуроднинг қиёфаси ўртага чиқади. Бу сингари тимсол ижодкорнинг шеър-ияти узок умр қўриш учун гаров. Кангул унинг шеърларида нурга йўрилган Ватан тимсолидир: Бир Ватан бор — меҳрдир номи, боқий-дир у ҳамда кўп асил, йўллари нурли-нурли, чорраҳалари нурли-нурли, бекатлари нурли-нурли кангул деб аталган офтобнинг ҳароратидан. Кангул асли бизнинг қадимги тилимизда — қўхна туркий ёзма ёдгорликларда, “Олтун ёруғ”, “Хуастуанифт” (Монийларнинг тавбаномаси)да, “Қутаду билик”да, “Девону лугатит-турк”да қалб, истак, ҳис-туйғу, фону маъноларига ифода-далаб келади. Умуман тилимиздаги ҳар қандай сўзнинг яшовчанлигини шоир

“Кенгликлар соғинчи қангум тўлдириб, кенгликлар соғинчи қангум марқади” дея она юрт тимсолини ўз шеърлари орқали далиллаб берди. Кангул тимсоли қадимги туркий ёдгорликлардаги қангулнинг йиғир-ма биринчи асрдаги қиёфаси. Бу тимсол бугун ҳам ўз илдизидан, қадимги маъносидан узоклашиб кетмаган. Шоир шеърларида қангул она юрт манзарасини ифодалаш имкониятидан узоклашмади.

“Сукут садоси” китобига сўзбоши ёзган Минқожиқдин Мирзо шоир шеърларида силри жумбоқлар қўллигини айтади. Ҳақ гап. Борлиқнинг сири жўн сўзлар билан айтилмайди, акс ҳолда шеърнинг қадрига, моҳиятига путур етади, шеърнинг оддий хабардан фарқи қолмайди.

Жилға истайди сукут қилмоқни, Истар қоядек олмоқлиқни тин, Тоғлар қалбига қулоқ солмоқни.

Қоя истайди жилға бўлмоқни, Истар жилғадек югуриб-елиб, Ёбон бағрига кириб бормоқни...

Бу шеърни шунчаки ўқиганда шоирнинг мақсадини, шеърнинг моҳиятини англай олмаймиз. Шоир олам ўзгаришини иштайди. Шоир ўзгаришлар иштирокчиси бўлишга иштиёқманд. Шеърдаги поэтик сўзлар — жилға, қоя, тоғ, ёбон Икром Отамуроднинг рамзий образлари даражасига кўтарилган. Ҳаётнинг абадийлиги, инсониятнинг орзуси ақл бовар қилмайдиган ўзгаришлар ўз бериши қўллайётганини англаймиз бу шеърда. Ҳақиқатан, жонли табиий манзара. Шоир бизни ҳаяжонга соладиган ғояларни олиб киришни истаган. Унинг мазкур китобида қилган шеърларида ана шундай янги топилдиқларни учратамиз.

Шу ўринда Икром Отамурод шеър-иятидаги топилдиқларнинг ибтидоисини ишора қилиш мақсадида, бир гапни айтишни лозим, деб билдик. Агар шеърда шоирнинг қиёфаси англашилиб турмаса, бўшлиқ пайдо бўлади, бундай шеърни мен яхши шеър деб айта олмаман. Шоир ўша башарида рус шеър-иятида рамзийчилик (символизм) алоҳида оқим сифатида пайдо бўлди. Бу оқим оламни янглаш натижасида пайдо бўлди. Олам ва ҳаёт ўзгаришлари жараёнида А.Блок, А.Белый, А.Ахматова каби шоирларнинг ўзлари ҳам ўзгардилар, уларнинг фикрлаш тарзида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлди. Улар даврнинг сиёсий ўзгаришларини қабул қила олмадилар. Натижада рамзийчилик шеър-ияти тамомла бошқа ўзганга солиб юбордилар. Икром Отамуроднинг шеърларида ана шу рамзий-

Насимхон РАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

— Сиз дастлаб лирик шоир сифатида танилгансиз. Кейинчалик ижодингизда тарих асосий мавзу бўлиб қолди. Ўтмишни қаламга олиш раббатлантирилмаган даврда шу оғир мавзуга юз буришингизга ва унга содиқ қолишингизга нима туртки бўлган?

— Менда ижод бошиданоқ негадир тарихга қизиқиш кучли бўлганди. Балки зувала шундоқдир... Оиламиз зиёли оила эди, онамнинг оналари Хосият биби — биз Отинча эна дердик — китоблар ўқиб берадилар. Отам Аҳмадкул сўфи Бекназар сўфи ўғли тарихни яхши билардилар, кўп ҳикоялар сўйлар эдилар. Онам Тарихихон ая мактабни Украинада, Каховка деган ерда битиргандилар, чунки бобом, Отинча энам болалари билан 1932 йилда қулоқ қилиниб, сургунга юборилишган. Ўн олти йилдан кейин қайтиб келишган. Тарихга қизиқишимда шу воқеаларнинг таъсири бўлгани аён. Йигирма тўрт ёшимда, талабалик вақтим, 1966 йили биринчи дostonим “Машраб” ёзилган ва яхши баҳо олган эди. Айрим устозлар: “Бу муллавазча бирдан Машраб ҳақида ҳазмида бўлганимиз?...” деб хайрон бўлишган. Чунки у вақтлар тарих ҳақида умуман ёзилмасди. Ёзилса ҳам, онда-сонда. Мафкура Машраб ҳақида ҳам бир асар ёзишга қўймас эди. Кейин дostonни шеърятимизда Ойбекнинг “Машраб” (1936) шеърларидан сўнг иккинчи асар, деб аташди адабиётшуносларимиз. Тарихга бағишланган “Қадимги қўшиқлар” туркуми (унда “Спитамен” туркуми бор эди) ёзилди. Кейинги Амир Темурга бағишланган дostonим “Гумбаздаги нур” 1967 йили қозғозга тушган. Абдулла Орипов билан бирга ўқиб, баъзи бир тахрирлар ҳам қилганмиз. Ҳатто дўстим унга “Гумбазлар гу-

Тарихга ёндошишни ҳам адабиётимизда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Усмон Носирлардан кейин шу авлод давом этдирди, бошқа авлодларга ўрناк бўлди. Улар адабиётга мавзу ўлароқ меҳнатни эмас, Инсонни олиб киришди, унинг одамдай ҳаёти, миллатпарварлиги, ҳаяжони, орзулари, аламлири, армонлари билан. Улар Инсоннинг дардларини қуйлашга ҳаракат қилдилар, ёлғондан қочдилар.

Бизларнинг давримизда гўё осмонимиз шеърят ҳавоси билан тўлгандек туюларди. Олий ўқув юртларининг катта залларида жўшқин шеър кечалари ўтарди, ойнаи жаҳонда марокли “Шеърят билан учрашув”лар намойиш этиларди. Бутун мамлакат шеърга ошно бўларди. Шоирлар бир-бирлари билан кўча-кўйда, уйдаи, учрашиб қолишса, дарҳол янги ёзилган шеър ҳақида гап бошланар, бир-бирларга ошиқиб янги шеърларини ўқир эдилар. Бир-бирларининг шеърларини эшитиб, ютуқларидан қувонар, уни бошқа жойларда ҳам мактаб гапириб юришарди. Ҳасад деган нарсаси кам учради. Улар талантини тан олар эдилар. Бу — катта фазилат. Бу шоирларга тегишли умумий бир хусусият бор эди: улар барча шеърларини ёд билардилар! Юракдан чиқса, шеърнинг ўзи ёд бўлиб қолади...

Бизнинг авлоднинг тарихий хизмати... Хизмати катта, бебаҳо! Йигирманчи асрнинг олтинчи-чи-саксонинчи йиллари шеърятни ўлуғ устозлар анъаналарини давом эттириб, ўзининг жанговарлиги ва ҳаққонийлиги билан миллат тарбиясига катта таъсир кўрсатди, айтиш мумкинки, миллатни миллатнинг ўзига танитди, ўқувчиларда адабиётга катта меҳр уйғотди!

ТАРИХ — МИЛЛАТНИНГ БЎЙ-БАСТИ, ВАТАННИНГ ЖАМОЛИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Муҳаммад АЛИ билан суҳбат

рунги” деган ном ҳам таклиф этганди. Дostonда октябрнинг “о” ҳарфи ҳам, Лениннинг “л” ҳарфи ҳам йўқ экан. Фақат ўзимизнинг тарих. Энди билсак, дostonда Амир Темур ҳақида бугунги гаплар, фикрлар, яъни тарих ҳақиқати берилган экан. Шу сабабдан дoston ҳеч қандай ўзгартишсиз мактабнинг 7-синф дастурига киритилганди.

Мен Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт институтида тахсил олганман. Тарихга қизиқишим шу ўқув даргоҳида қарор топди, фикримча. Чунки бу ерда турли халқларнинг вакиллари ўқирди, улар суҳбатларда ўз тарихлари ҳақида гурур билан гапиршарди, тарихий сиймолари тўғрисида кўп баҳслашишарди. Мен ҳам фаол қатнашардим. Унинг устига, Москва, ундаги ҳаёт, мухит, бир сўз билан айтсак, мусофирчилик миллатни севишни, Ватани ардоқлашни, тарихнинг қадрига етишни ўргатарди, кўнглига сингдиради, кишининг тафаккурини чархларди. Рус ва жаҳон адабиёти намояндалари ижодларини ўрганганимда уларнинг тарихга, фақат ўз миллати тарихигагина эмас, балки умуман жаҳон тарихига мурожаат қилганларини кўп кўрдим, қандай ижодий тажрибалар ўтказганларини кузатдим. Мисол учун, Байроннинг “Шиллонг тутқуни” дostonи, даровек, бу дostonни она тилимизга ўғирганман, “Чайльд Ҳаролдинг саёҳатлари”, Пушкиннинг “Мисс Чавандоз”, Лермонтовнинг “Мцри”, “Демон” дostonлари асарнинг қурилишлари билан қизиқарли ва ибратли. Замондош рус шоирларидан Андрей Вознесенскийнинг мохирона ёзилган “Усталар” дostonи ҳам “Гумбаздаги нур” дostonининг ёзилишига туртки берган асарлардан биридир.

Мен тарихимизни яхши кўраман, у билан фахрланаман. Чунки тарих — миллатнинг бўй-бастси, Ватанининг жамоли, уни қанчалар кўркам тасвирласак, бизга гурур ва ифтихор бўлади, айни пайтда аждодларимиз олдидаги бурчимизни адо этган бўламиз.

— Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева... Сиз ҳам шу сафда, шу ахлоқ вақилисиз. Сиз мансуб авлоднинг тарихий хизмати нимадан иборат бўлди? Сиз уларнинг шахсини, орзу-армонларини бошқалардан кўра яхшироқ, қийиндан билгансиз. Бу армонлар нима эди?

— Аввало, сиз келтирган рўйхатга мен Ҳусниддин Шарипов, Маъруф Жалил, Рафў Парфи, Ойдин Ҳожиёва, Омон Мухтор, Тулан Низом, Абдулла Шер каби талантли шоирларни ҳам киритаман. Бу авлоднинг бир омади бор эди — уларнинг ижоди мустахлак замониди сиёсатда, жамиятда “эрув-гарчилик” паллалари, яъни мафкуравий илиқлик даврида бошланди, бу авлод кўп изланишлардан кейин мустақкам оёққа туриб олди ва ўз ижодларида иккиланишларга ҳоз бўрмади, шеърятга садоқат билан, илҳом билан жўшиб ижод қилди. Улар: ўқувчилар шеъримиздаги яширин маънони ўзлари излаб топиб олишад, деган умидда кўп армонларини, озодлик, мустақиллик ҳақидаги орзуларини маҳорат билан сатрлар орасига яширар эдилар. Зехни ўткир ўқувчилар буни қалбдан туйрайдилар. Ўзимдан мисол келтирай. 1967 йилда ёзилган “Қадимги қўшиқлар” туркумида Спитамен ҳақида “Она Ер аллеси” номли шеър бор. Она Ер ҳалок бўлган ўғли Спитамен устида алла айтмоқда. Чунки Она назарида фарзанд ҳеч қачон ўлмайди.

Бироз ҳориб қолдинг, ором ол ухлаб,
Отинг ҳам нарида юрибди ўтлаб,
Алла-ю алла!
Эгарнинг қошига осиглик қилич,
Тигида нур ўйнар, нурларки, нотинч...
Алла-ю алла!
Кўзгалма, кўзгалма, ухлайвер ҳали,
Олдинда уйқудан турар маҳали.
Алла-ю алла...
Унгача отинг ҳам ўтлаб олади,
Унгача аллам ҳам тугаб қолади...
Ухлаб ётган миллат ҳақида ички алам билан ёзилган сатрлар... Лекин Она ўғлининг уйқудан уйғонишига ишонад, чунки “Олдинда уйқудан турар маҳали”! Оти эса ўтламоқда, эгари қошига тигида нотинч нурлар ўйнаётган қилич осиглик... Спитамен эса — босқинчиларга қарши курашган, жон фидо қилган халқ қаҳрамони...

Буларнинг орасида Плутархнинг “Қиёсий ҳасби ҳоллар” (“Сравнительные жизнеописания”) номли машҳур китоби фактларга бойлиги, айниқса, далилларнинг аниқлиги, воқеалар оқими тўғри белгилаб берилгани жиҳатидан апоҳида ажралиб туради. Мен кўпроқ Плутарх асарларига суяндим.

Таниқли ўзбек тарихчиси ва адиби Амриддин Бердимуродов “Самарқанд тарихидан томчилар” китобида Мисрнинг сўнгги маликаси Клеопатра аждодлари миллий қаҳрамонимиз Спитаменга, аниқроғи, унинг қаҳрамон қизи Алама ойимга уланиши ҳақида ёзган эди. Чиндан, тупроғимиз улуг, хосиятли, унда жуда кўп машҳур инсонлар туғилган ва юрт довуғини дунёларга ёйганлар. Бир сўз билан айтсак, ҳамма улуглар бизда... Клеопатра Спитаменнинг қизи, Селевкияр империясининг бош маликаси Аламанин ўнчинчи авлоди бўлади.

Клеопатра мавзуси бағоят жозибдор мавзу. У ҳақда асосан Европа ва рус тарихчилари, ёзувчилари китоблар ёздилар, бу китобларнинг асарияти ҳужжатли-биографик характерде. Европалик муаллифлар Клеопатра образини яратишда уни европалик аёл сифатида тасвирлаганлар. Шу сабабдан, уларнинг кўп таърифлари бизга эриш туюлади. Йўқ, ундай эмас! Клеопатра — Шарқ аёли эди, қадимги Шарқ аёли, унинг ўтмиши ҳам буни кўрсатиб турибди. У Шарқ учун туг кўтарган, Миср мустақиллиги учун Рим билан курашлар олиб борган. У чинакам ватанпарвар инсон, юрти учун жон фидо қилган жасур аёл. Унинг Рим саркардаси Марк Антоний билан бўлган машҳур ишқ дostonи жаҳон адабиётда реал ҳаётда юз берган биринчи ишқий дoston ҳисобланади ёки, бошқача айтсак, жаҳон адабиётда бугун машҳур бўл-

са, учкун қанқайди. Албатта, асарни содда ёзиш керак, шунга интилиш керак. Содда ёзиш — гўзалликнинг асосий шартларидан бири. Асарнинг енгил ўқилиши — муваффақият гаровларидан бири.

— Асарларингизда тарихий шахслар сиймосини яратар экансиз, қандай принципларга таянасиз?

— Тарихий шахслар сиймоларини, албатта, кўпчилик яхши билади. Бу йўлда тарихий ва ҳақиқат принципларига таянаман. Расмий тарихий китобларда шахс характеристикаси жуда хасислик билан берилади (улуг “Бобурнома” бундан мустасно). Лекин уларни ўрганиб, фантазия, ҳаёл, тасаввурот имкониятларидан фойдаланиб, бадий асар қаҳрамонининг образи яратилади. Юқорида айтганимиздек, воқеани ёзмаймиз,



бадий асар ёзмамиз. Шунда ўқувчини ишонтира оладиган асар майдонга келади.

— Кенг қўламли эпоеяни, янги романингизни яратишда қандай қийинчиликларга, янгиликларга, кашфиётларга дуч келдингиз?

— Энг аввало, қаҳрамонларни қалқатириб юбормаслик керак. Бунинг учун уларни, тавсифи билан дафтарга тушириб бориш лозим. У доим кўл остида турсин. Албатта, изланишда кўп янгиликларга дуч келасиз, ажойиб сўзларни топасиз, янгича иборалар услубини ўрганасиз, кашфиёт дегулик янгиликлар ҳам учрайди. Мен учратганларини мунтазам дафтарга ёзиб бораман, ижод жараёнида улардан фойдаланаман.

— Соҳибқирон Амир Темур салтанатидан кейинги авлодлар учун, биз учун қолган асосий сабоқ нимадан иборат?

— Асосий сабоқ: Ватанимизга етиш. Ватан фарзанди бўла олиш, оталар ва устозларнинг насиҳат ва маслаҳатларини унутмаслик, уларга содиқ қолиш, юртни севиш... Мен бетоб ётган Амир Темурга ваъда бериб, хотиржам бўлинг, юртни бошқариш сиз айтганингиздай бўлади, деб ишонтирди, Соҳибқирон вафотидан кейин эса ҳаммасини унутиб, русумга зид равишда, шайтон васвасига учиб, тахтни эгаллаб олишга иштилган амирзодалар, саркардалар кечирилмас гуноҳга йўл қўйганлар, деб ҳисоблайман. Бу ҳодиса авлодларга аччиқ сабоқдир.

— Маълумки, миллий давлатчилигимиз тарихида сезиларли из қолдирган Муҳаммад Шайбонийхон шахси ва феолиятини ўрганиш кўп йиллар мобайнида раббатлантирилмади. Бугун бу мавзуга, Шайбонийхон шахсига, тарихимизнинг шу даврига қандай ёндашилса тўғри бўлади?

— Тарихимизда ўтган сиймолар — барчаси — шу халқнинг фарзандлари. Шу фактнинг ўзидек, улардан айримлари “бизники” бўлмаслиги ёки душман бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Баъзан биз тарихий шахсларнинг ўзаро бир-бири билан муносабатларига қараб, уларга баҳо бериб келганмиз. Бу ҳам тўғри ўймас. Уларнинг ўзаро муносабатларини уларнинг ўзларига қўйлик. Орадан беш-олти аср ўтиб, биз уларнинг муаммоларини ҳал қилишга уринишимиз адолатдан бўлмайди.

Муҳаммад Шайбонийхон — йирик давлат арбоби, саркарда ва шоир. Унга баҳо беришда Бобур Мирзо йўлидан борсак, тўғри бўлади. Бобур Мирзо ўзининг рақиб Шайбонийхон ҳақида ёзганда, уни “Шоҳбхат”, “Шайбонхон” деб ёзади. Абулғозий ёзишча, “...ўзи шоир эрди. Шайбонхоннинг наслиндин бўлган учун ўзига “Шайбоний” тахаллус қилиб эрди”. У оламга Шайбоний, Шайбонийхон номи билан машҳур бўлди, яъни ўзининг исми ёки лақаби билан эмас, балки тахаллуси, шайхона тахаллуси билан танилди. Девонни бор. Бу нарсани унинг шоирлиги даражасини белгилаб бера олади.

Муаррих Рўзбехон “Меҳмонномаи Бухоро” номли асарида Шайбонийхоннинг илоҳиёт олимлари, муҳаддислар, фикҳ билимдонлари билан қилган кўп учрашувлари ҳақида ёзади. “Меҳмонномаи Бухоро”нинг ўнчинчи бобида Шайбонийхоннинг тасаввуфга бағишланган туркий касидасига тўхтаб ўтилади... Бу гапларни келтиришимдан мақсад шунки, мен Шайбонийхон илм-маърифатни маҳкам тутган, кўнглида илм билан бирга шеър завқи жўш урган подшоҳларимиздан бири эди, демокчиман.

— Кўп баҳсларга сабаб бўладиган мавзу: ёзувчи тарихга бугунги кун назари билан қарасинми ёки ўша давр нуқтаи назари билан ёндашинми? Негат?

— Албатта, ёзувчи бугуннинг одами бўлгани учун бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашмоғи шарт. Лекин унинг асарида ўша давр нуқти сезилиб турсин. Ана шу қоида бўзилган ўринларда адолат, ҳақиқат мезонларига пугур етади. Бундай бўлмаслиги, албатта, маҳорат масалалари билан ҳам боғлиқ.

— Тарихга сиёсий буюртма билан ёндашиш, уни мафкуралаштириш қачон ўзини оқлаши мумкин?

— Тарихга буюртма руҳида ёндошиш ҳеч қачон ўзини оқламайди. Тарихни бор ҳолича олишимиз, кўрсатишимиз керак. Бу борада аниқ мисолларга мурожаат қилиб ўтирмайлик.

— Ўтмишда мамлакатимизнинг бугунги худудида учта пойтахт бўлган. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари тарихини ўрганиб асарлар битаётган айрим олим адибларимиз баъзан бирёқламалик, маҳдудлик қилаётгандек туюлади. Бу борада қандай меъёр амал қилиши керак?

— Адабиёт доим кўнгиллари бирлаштириб келган, бир-бирдан ажратган эмас. Албатта, юқоридагидек мулоҳазаларнинг пайдо бўлиши тур фикирликдан келиб чиқади. Биз ўзимизнинг ўтмишимиз билан фахрланишимиз керак, лекин бу бошқаларни камситиш, паства ўриш, ўзни баланд олиш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Халқ битта, юрт битта экани доим кўнгилимизда турсин. Чорбоғимиз билан эмас, Ватанимиз билан ифтихор этайлик.

Соҳибқирон Амир Темур 1391 йилда Тўхта-мишхон билан жангга бораётиб, Дашти Қипчоқда катта бир тошга она тилимиз — эски ўзбек тилида сафар тафсилотларини ўйиб ёздирганлар, унда ўзини “Турон султони Темурбек” деб атаганлар. Шунда Темурбекнинг қанчалар гуруранганини тасаввур қилиб кўрайлик. Ўл зот ёдгорликка “Ҳўжа Илғор”, “Шахрисабз” ёки “Самарқанд” деб ёздирмадилар-ку... Бу авлодларга адолатли ибрат намунасидаир. Бу ҳақиқат доим эсимизда туриши лозим.

— Адабиёт миллатни руҳлантирадиган, бунёдкорлик қайфиятини уйғотадиган бемисл маънавий куч, яъни “атомдан кучли”. Сўз санъатининг

ана шу буюк қудрати, сизингча, ҳозирги пайтда қандай ишламоқда?

— Ҳамма замонларда ҳам бемисл маънавий кучга эга бўлган адабиётга катта ишонч ва умид билан қараганлар. Янги Ўзбекистон барпо бўлаётган бугунги кунда эса адабиётга катта ва шарафли вазифалар қўйилмоқда. Инсонлар онгида янгича қарашлар пайдо бўлмоқда, то маънода, янги инсон шаклланимоқда, дейиш мумкин. Биз Ўчинчи Ренессансга қараб бормоқдамиз. Адабиёт ана шу Инсонни, ёшларни тарбия қилишда қудратли қурол вазифасини бажармоқда. “Адабиёт” сўзининг ўзаги адабдир. Бу ниҳоятда муҳим жараён. Бу жараённинг, адабиётнинг ҳақиқатда давлатимиз раҳбари диққат-эътиборида тургани бизни қувонтиради. Адабиётимиз ва унинг ривожига катта эътибор берилмоқда. Адиблар ҳиёбонининг ташкил этилиши, азалдан турар жойи бўлмаган Ёзувчилар уюшмаси учун муҳташам бино қурилиши — мен янги ташкил қилинган Адиблар ҳиёбонини Алишер Навоийнинг “Унсия” боғи дейишни яхши кўраман — ижодкорлар яшаш шароитини яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш йўлидаги саъволи ишлар, баҳаво ерларда бунёд этилган кўркам ижод уйлари, мамлакатимизда ном чиқариб улугурган ижод мактаблари, ёшлар ижодига ғамхўрлик — ана шу йўлдаги қўтлуг қадамлардир. Мана, қийнда оташнафас шоир Усмон Носирнинг 110 йиллигини кенг нишонлаш бўйича тарихий қарор қабул қилинди. Бу ишларнинг барчаси давлатимиз раҳбари таважжуулари билан юз бермоқда. Миннатдорлигимиз чексиз. Биз, адиблар халқимиздан, Ватанимиздан қаримиз кўпчилигини биламиз ва бу меҳрибончиликларга ўз асарларимиз билан жавоб беришга ҳаракат қиламиз, албатта.

— Сиз 80 ёш остонасизда турибсиз. Фурсатдан фойдаланиб, сизни шу қўтлуг сана билан барча китобхонлар номидан қизғин табриклаймиз. Ўзингиз ҳаётингизнинг янги ижодий палласини қониқлиш билан кутиб олгансизми?

— Табрик учун катта раҳмат! Ижодкорда орзулар мўл бўлади, шундай бўлгани яхши, қолгани ижодий ниятга, ҳаракатга боғлиқ, албатта. Ният устига ният туғилади. Лекин унда ижодий қониқлиш, деган нарсас бўлмайди. Ношуқурликка ўрин йўқ. Ҳар бир кун Аллоҳнинг берган имконияти, ундан унумли фойдаланиш зарурлигини англаб турибман. Ўйлаб қарасам, ижоднинг турли жанрларида қалам юритибман. Янги “Клеопатра” тарихий романим нашрдан чиқиб арафасида... Алишер Навоий даври бўйича кўп йиллардан буён ҳаёлларга берилиб келаман. Навоий мавзуси бир уммон. Фикримча, ҳаммамиз ҳам бу мўътабар мавзу билан қизиқишимиз керак. Бунни бурчимиз, деб ҳисоблайман. Бир нарсас бошлаганман ҳам. 2015 йилда у ҳақда тарихий драмани қозғозга туширдим. Фарғона вилоят мусиқали драма театри ва Қозғоситоннинг Чимкент ўзбек театри ижодкорлари саҳнага олиб чиқдилар. Тарихимизнинг йирик намояндаларидан бири Абдулхамид II шахси ва замони жуда жозибали кўринади... Мирзо Улугбек ҳақида ҳам, қани энди имкон топилса-ю, бир нарсас ёзилса дейман!... Ҳозир давлатимиз раҳбарининг топшириқларига бйноан таниқли режиссёр Ҳилол Насимов билан ҳамкорликда “Улуг салтанат” эпоеяси бўйича бадий фильм ишлаш ташвишлари билан бандимиз. Яна бир нарсас — “Улуг салтанат” эпоеяси мотивлари асосида таниқли композиторлар томонидан иккита опера яратилгани ҳам қувончли ҳодиса бўлди. Битта опера — Мустафо Бафоев мусиқаси, иккинчиси — моноопера — Рустан Абдуллаев мусиқаси, либреттолари камина томонидан ёзилди.

Фурсатдан фойдаланиб, “Улуг салтанат” эпоеясининг туртинчи китобини аудиокитоб қилиб интернетда тарғиб этишга бош-қўш бўлган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раҳбарлари ва ижодий жамоасига, мохир суҳандон Эрназар Ербековга ўз миннатдорлигимни билдириб ўтаман.

Тўғрисиини айтганда, юрагимнинг бир четида қониқлиш, бошқа четида қониқмаслик ҳисси ғимирлайди...

Салим АШУР суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН




Р.Азиханов. Каттак'оргон сув омбори (1982).



Р.Азиханов. Настарин (2006).



Р.Азиханов. Ботаника боғи (2017).



Г.Наумова. Булок (2019).

Тошкентдаги Фотосуратлар уйида очилган "Хаёт жозибаси" деб номланган кўргазмада рассом Ривкат Азихановнинг юзга яқин рангтасвир, акварель ва графика усулида чизилган асарлари намойиш этилди. Рассом портретларида қаҳрамонларнинг ички дунёси, қалб кечинмалари, руҳий ҳолатига алоҳида эътибор қаратган. "Ўттинчи қиёфалар" дастгоҳли график асарлари туркумида фоний ҳаёт фалсафий, мажозий усулда талқин этилади. "Она" портрети, "Эман дарахти", "Ўзбек цирки", "Бухоро амирининг Железноводскдаги саройи" сингари графиканинг турли йўналишларида пухта ишланган асарлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди. "Кузнинг илк палласи", "Шафак", "Ойдин кеча" каби асарлар ёрқин ранглар билан тўйинган бўлиб, муҳлисларда ҳаётга муҳаббат уйғотди. "Каттак'оргон атрофида", "Ботаника боғида", "Чирчиқда ёз" каби ишларда фасллар гўзаллиги тараннум этилса, "Аренада масхарабозлар", "Машгу-

лотда", "Муסיқа бизни боғлади" номли асарлар цирк ва спорт мавзусида. Уларда композиция, асосан, образлар, предметлар ҳаракатига қурилган, қуюқ ранглар эса сюжетни бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган.

Ўлкамизнинг тарихий обидалари билан бирга сўлим масканлари ҳам рассом назаридан четда қолмаган. "Эски шаҳар", "Чирчиқ дарёси", "Хирмонда" каби ўнлаб асарлари юртимиз ва юртдошларимизга савимий муҳаббат билан суғорилган.

"Қиш манзараси", "Тоғдаги қиш", "Билдирсой" каби асарлари манзараларнинг тиниқлиги, ранглар мутаносиблиги билан ажралиб туради. Унинг ижодида ранг-баранг гуллардан тусилган композициялар етакчилик қилади. Рассом ҳар бир гулнинг нафислиги, гўзаллигини аёлларга хос нозик дид билан ифодалаган. Рассом ўз кўргазмаси ҳақида шундай дейди: "Кўргазмада томошабинларга икки мавзу тақдим этилган. Ижодимнинг "Китоб ва дастгоҳли графика" йўналишидаги катта қисми китоб безагига бағишланган. Ҳар бир рассом мавзу ва образ яратишда доимо изланишда бўлади. Техника, услуб, асбоблар, материал, фактураларни излаш анча қийин жараён. Мавзу, образ ва техника тез-тез ўзгариб туради. Маълум бир вақтда фикрлардан холи бўлган ҳақиқий ижод бошланади, яъни композиция, шакллар, ранглар билан ишлаш керак бўлади".

Сарвара ҚОСИМОВА


Фойдали китоблар

Инсон мутлола орқали кўнгилдаги ғуборлардан озод бўлади. Янги дунёларни кашф этади, янги инсонлар билан дўст тутинади.

Мутахассисларнинг фикрича, болани 3-4 ёшиданоқ китоб ўқишга ўргатиш керак экан. Китоб мутлоасига оид манбаларда ёзилишича, дунёда 95 фоиз одам дақиқасига 210 сўз ёки 2 дақиқада бир ярим саҳифа китоб ўқишаркан. Лекин тарихдан маълумки, машҳур француз ёзувчиси Оноре де Бальзак ярим соатда 300 бет, император Наполеон эса дақиқасига 200 та сўзни ўқийган. Булар мутлоаанинг фазилатлари белгилари, албатта. Китобнинг ботинимизга сингарида фазилатлари эса беҳисобдир. Бу фазилатларни шакллантириш учун ёшлиқдан китоб ўқиб, буш вақтини бекор ўтказмасликка ҳаракат қилиш керак.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, фалсафа фанлари доктори, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоира Сайёра Тўйчиеваннинг йиллар мобайнидаги кузатувлари ва илмий хулосалари жамланган "Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш", "Бошқарув технологиялари", "Қадрият-шунослик", "Маънавий-маърифий муассасаларда тарғибот-ташвиқот ишлари" номли дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари "Наврўз" ва "Фан зиёси" нашриётларида чоп этилди. Мазкур китобларда маданият ва санъат соҳасида фаолият кўрсатишга чоғланаётган бўлғуси мутахассислар учун республикамиз ва хорижда ушбу соҳада олиб бериладиган тадқиқотларнинг тарихий ва замонавий манбалари, соҳа билимдонларининг фаолиятлари, ижодий ёндашувлар, инновацион янгиликлар замонавий методлар воситасида ёритиб берилган.

Хусусан, "Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш" номли дарсликда маданият ва санъат фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг жамиятнинг маънавий ва иқтисодий негизи билан ўзаро боғлиқлиги ва бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг тараққиёт учун қандай хизмат қилаётгани кўрсатилган.



Санъат — жамиятнинг бебаҳо хазинаси, инсон тафаккурининг буюк кашфиётидир. Мазкур ўқув адабиёти маданият марказлари, театрлар, кинематография ташкилотлари, ҳаваскорлик жамоалари, боалар муסיқа ва санъат мактаблари сингари маданий-маърифий ташкилотларнинг бўлажак раҳбарларини камол топтиришга йўналтирилган.

Рене Декарт: "Китоблар сизни минглаб аср аввал дунёдан ўтган олимлар билан учраштиради" деганидек, Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Низомулмулкнинг "Сийёсатнома", Амир Темурнинг "Темур тузуқлари" асарларида бошқарувнинг асл мазмун-моҳиятига берилган тарихий-илмий таърифлар, француз олими Анри Файол, инглиз тадқиқотчиси Фредерик Тейлор, немис социологи Макс Вебернинг бошқарув борасидаги фикр-мулоҳаза мактаблари дарсликнинг мазмунини бойитган.

Муаллиф бошқарув технологияларининг асосий жиҳатларини бошқарувнинг янги қирралари билан боғлаб, мамлакатимизда маданий-маърифий ислохотларнинг барчаси "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" тамоили асосида олиб борилаётганини мисоллар билан таъкидлаб кўрсатади.

"Қадриятшунослик" ўқув қўлланмасида қадриятларнинг турлари, инсон — олий қадрият, шахс қадрияти, қадриятлар уйғунлиги ва уларнинг

маданият ва санъат муассасаларида, ижтимоий-маданий фаолиятда тарғибот қилиш масалалари илгари сурилган.

"Маданий-маърифий муассасаларда тарғибот-ташвиқот ишлари" номли ўқув адабиётида маданият ва санъатнинг эволюцион зерилишлари, трансформация жараёнларини тарғибот-ташвиқот қилиш воситалари, усуллари ҳақида сўз юритилади. Янги Ўзбекистонда кейинги беш йилда мана шу соҳа ривожининг амалий, илмий, маърифий аҳамиятини таснифлайди. Хусусан, Президент томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг амалий аҳамиятини ёшлар онгидеги ўзгаришлар мисолида баён қилади. Янги Ўзбекистонда мутлолаа ва китобсеварликка бўлган катта эътибор сабабли, бутун Ўзбекистон катта бир кутубхонага айланган, мутлолаа ва китобхонлик давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини аниқ мисоллар билан алоҳида таъкидлайди. Китоб мутлолааси ва китобхонлиқнинг тарғибот қилишнинг концептуал асосларини, маданий-маърифий муассасалар фаолиятида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Муаллиф мақом, халқаро бахшичилик, халқаро хунармандчилик фестиваллари орқали минг йиллик миллий аъёнларимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимизни ёрқин бўёқлардаги аксини халқнинг кўнглига кўчира олган ижодкорлар фаолиятига ҳам катта баҳо беради ва уларнинг бой ҳаётини, ижодий фаолиятларини ёшларга намуна қилиб кўрсатади.

Мазкур ўқув адабиётлари нафақат маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш, бошқариш, балки ижтимоий, маданий фаолият йўналиши талабалари билан биргаликда юртимизда фаолият кўрсатаётган профессионал театрлар, музейлар, маданият марказлари, фольклор жамоалари, ашула ва рақс ансамбллари, бадий ҳаваскорлик тўғараклари, муסיқа ва санъат мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари, туман (шаҳар) маданият бўлимлари ва минглаб соҳа ходимлари учун ҳам фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Абдусалом УМАРОВ,
социология фанлари доктори, профессор.
Маъруфжон ЮЛДАШЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ЁШЛАР ОВОЗИ



ОТАМГА

Сиз борсиз, сиздан ҳам кучлиман, ота,
Шундай бир фитратдан ёришган ичим.
Сабаби қалбимда буюк Роббим ва
Елкамда қўлингиз борлиги учун!

Дилда сиздан кўчган оловли шахд бор,
Айтган ҳар сўзимда қаққоқ бор, аҳд бор,
Менга фаришталар ясаган тахт бор,
Елкамда қўлингиз борлиги учун!

Бугун мен қай томон бошласам йўлим,
Бир нур порлаб турар ойдан тўлини,
Истасам юлдузга етади қўлим,
Елкамда қўлингиз борлиги учун!

Хаёт жангларига тикка киргайман,
Кураш бор қонимда, ҳеч йиқилмайман,
Мағлублик таъмин ҳеч қачон билмайман,
Елкамда қўлингиз борлиги учун!

Кўзимга тик боқиб келолмас ёвлар,
Мағрур руҳимга ҳеч беролмас довлар,
Пойимга чўқади ҳар қандай ғовлар,
Елкамда қўлингиз борлиги учун!

Дунё ҳам бошимни силайди ҳатто,
Сиз борсиз бошимда тутаман, ахир,
Елкамдан қўлингиз олманг ҳеч, ота,
Олсангиз бир барг ҳам келади оғир...

ЁНИНГГА

Билдим кўп гуноҳлар қилганман содир,
Бириси енгил-у, бошқаси оғир,
Нафасим ичимга ютдим-у, охир,
Бир шафоат истаб келдим ёнингга.

Дош бердим ҳақсизлик замониға ҳам,
Тортдим ҳар кун дилим томонига ғам,
Бу ғамларга ўзинг бергайсан барҳам,
Мен адолат истаб келдим ёнингга.

Янчибли кетмасдан дард дунёсида,
Йўқолиб кетмасдан вақт дарёсида,
Қурқаман, афсуслар таваллосидан
Зўр ҳимоят истаб келдим ёнингга.

Аямасан дея имконларингдан,
Абад умидворман ризвонларингдан,
Қалб тўла муҳаббат эҳсонларингдан
Мул саховат истаб келдим ёнингга.

Хукмронлик қилар дилга ёлғизлик,
Мен билан ҳамроҳдир минг битта ҳадик,
Жисм-у, руҳига эрк керак қўллардек,
Мен ҳаловат истаб келдим ёнингга.

Аксинг кўзларимда оламни безар,
Юрагимда ғурур кишини узар,
Икки дунёимни этгучи гўзал,
Ишқ, ҳидоят истаб келдим ёнингга...

Ниятулло ЗЛБЕК Ўғли

ЯНГИ НАШРЛАР

«АННА ГЕРМАН»




Ўтган асрнинг олтинчи-еттинчи йилларида польшалик эстрада юлдузи Анна Германнинг дилбар қўшиқлари янраганда концерт заллари олқишдан ларзага келарди. Бу қўшиқларни ҳозир ҳам санъат шайдолари завқ-шаҳ билан тинглайдилар.

Анна Герман Ўлган шаҳарда туғилган, ўн ёшида онаси билан Голандияга кўчиб кетган. Бироқ Анна эстрада осмониде офтобдай порлаган кезларида ҳам туғилган юртини кўмсаб яшади. Урганчилик муҳлисига мактубида у: "Бопалик йилларим ёдимда ҳануз!" деб ёзган. Хонанданинг Ўзбекистонга келиш орузи 1979 йили рўёбга чиқди. Тошкентдаги санъат қошонасида концерти ташкил этилди. Қисқа муддатда зал муҳлислар билан тўлди.

Яқинда пойтахтимиздаги "Тафаккур қаноти" нашриётида чоп этилган Асрор Муминнинг "Анна Герман" номли китобидан машҳур санъаткорга бағишланган эссе, шеърлар, шунингдек, юртимизда бўлган кезлари тушган суратлари жой олган.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

«РЕЖИССЁР ОЛИМЖОН САЛИМОВ»



Атоқли режиссёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов фаолиятига бағишланган "Режиссёр Олимжон Салимов" номли китоб нашрдан чиқди. "San'at" журнали нашриётида санъатшунослик фанлари доктори Элдор Мухторов муҳаррирлигида чоп этилган ушбу китобга Ўзбекистон халқ артисти, устоз режиссёр Баҳодир Йўлдошев сўзбоши ёзган.

Китобнинг биринчи қисмидан Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, академик Наим Каримов ва Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзо, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийи Шуҳрат Ризаев, санъатшунослик фанлари докторлари Муҳаббат Тўлаҳужаева, Дилфўза Раҳматуллоева, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, филология фанлари доктори, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад каби санъат ва адабиёт намоёндаларининг, ёш ижодкорларнинг таниқли режиссёрнинг ижод йўлига бағишланган мақолалари ўрин олган. Иккинчи қисмидаги суҳбат ва интервьюларда режиссёр ўзининг театр санъати ҳақидаги фикрларини баён қилган. Учинчи қисмда унинг турли театрларда саҳналаштирган спектаклларига ёзилган тақризлар, хорижлик санъат арбобларининг Олимжон Салимов ва у саҳналаштирган спектакллар ҳақидаги фикрлари жамланган.

БИЛДИРИШ

2022 йил 25 февраль кун соат 15:00да Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, "Меҳнат шuhrати" ордени соҳиби адабиётшунос олим Абдуқаҳор Иброҳимов хотирасига бағишланган адибнинг "Кеча, бугун ва эртага" китоби ҳамда "Муфтилар сулоласи" тарихий драмасининг тақдироти бўлиб ўтади.

Тақдиротга барча қизиққанларни тақлиф этамиз.

2022 йил 28 февраль, душанба кун соат 15:00да Таржима кенгашининг, 2 март чоршанба кун соат 15:00да Наср кенгашининг, 3 март пайшанба кун соат 15:00да Шерият кенгашининг 2021 йилдаги фаолиятига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтади.

Йиллик ҳисобот йиғилишларга барча қизиқувчиларни тақлиф этамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛСАНГИЗ...

Олов билан юзма-юз келиш, зарур бўлганда жон фидо қилиш — айтишга осон. Турли нуқолай ва мураккаб шароитларда ҳўл ва қуруқчи баравар ямлаётган ўт билан олишиш қанчалик мардлик, чапдастлик, жасорат талаб қилишини ҳамма ҳам билавермас керак. Ёнгин хавфсизлиги ходимлари ана шундай — ҳар дақиқада жасорат, фидойилик талаб қилаётган, таҳликали касбни қалб даъвати билан дадил танлашган. Бу касб кишилари муқаддас бурчларини адо этиб, керак бўлса, жонларини ҳам фидо қилишди. Улар аксарият турли сабаблар оқибатида юзга келувчи ёнгинларга тўқнаш келадилар.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб борса, кўплаб офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, тилсиз ёв бўлган олов фасл, вақт, жой танламайди. Қутилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида руй беради.

Ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий амал қилсангиз, давлат ва шахсий мулкнингизни, уй жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, ақинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

З.БАЙМАТОВ,
катта сержант, ЁХТЗБ МТТГ бошлиғи



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз:

akfa

Бош
муҳаррир
Салим
АШУР

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42; Санъат бўлими: 233- 56- 40; Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60.

Тахририятга келган кўлэмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтаришмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Наибгачи муҳаррир: Шуҳрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адали - 1087. Буқорتما Г - 244.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босингга топириш вақти - 21.00.
Босингга топирилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2383-634X

